

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги
Самарқанд давлат чет тиллар институти
Шарқ филологияси факультети**

**Ўзбек ва корейс тилларида шахс маъносидаги отларининг
ясалиши**

Илмий раҳбар:

ф.ф.н., доц А.Раҳимов

БМИ Умумий ва амалий тилшунослик
кафедра мажлисида муҳокама қилинди
ва ҳимояга тавсия этилди. Баённома №
“_____” Май, 2015

Самарқанд- 2015

Мундарижа

Кириш.....	3
Биринчи боб	
Нутқий фаолият ва унинг концептуал табиати ҳақида.....	7
1.1. Концеп ва унинг лингвистик талқини.....	8
1.2. Ички форма ва номлаш жараёни.....	11
Иккинчи боб	
Лексик деривация ва лингвистик аналогия муносабати.....	18
2.1. Тилшунослик тарихида аналогия ҳақидаги қарашлар.....	18
2.2. Аналогия ҳақидаги таълимотнинг замонавий талқинлари.....	24
2.3. Нутқий фаолият ва аналогия.....	33
Учинчи боб	
Ўзбек ва корейс тилларида шахсни ифодаловчи ясама сўзларнинг қиёсий таҳлили.....	35
3.1. Шахс отларининг аналогик табиати.....	35
3.2. Шахс отларини вужудга келтирувчи формантлар таҳлили.....	40
Умумий хулосалар.....	49
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	54

Кириш

Мамлакатимиз президенти И.А.Каримов “Мулоқот” журналига берган интервьюсида “Ота-боболаримиз шухратининг соясига маҳлиё бўлиб юрадиган даврлар ўтди. Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб, беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак”, деб уқтирган эдилар. Дарҳақиқат, бугунги кунда яратилаётган шарт-шаритлар, айниқса, биз ёшларга бўлган эътибор, биздан ўз халқимизга, мамлакатимизга дунё миқёсида ҳурмат билан муносабатда бўлиш, жонажан Ватанимизнинг кадр-қимматини ҳар томонлама юксақалтиришдек улкан масъулиятли вазифани юклайди. Дунё ҳамжамиятида бундай ҳурмат ва эҳтиром қозонишнинг энг муҳим шартлари эса ҳар бир фан соҳасида чуқур билимга эга бўлиш, ишлаб чиқариш, мамлакат иқтисоди учун хизмат қиладиган барча жабҳаларга илғор технологияларни жалб этиш, юксак маънавиятга эга бўлиш билан бирга хорижий тилларни пухта ўзлаштириш, бу соҳада олиб бориладиган илмий изланишларда ўз ғоямиз билан иштирок этишдан иборатдир. Муҳтарам Президентимиз томонидан белгиланган вазифалар ана шу жиҳати билан барча соҳаларга, хусусан, тилшунослик соҳасига ҳам бевосита дахлдордир.

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кун жаҳон тилшунослигида лингвистик муммоларни антропоцентрик тамойиллар асосида ўрганиш масаласи долзарб бўлиб турганлиги маълум. Бу тамойил туб моҳиятига кўра ҳар бир лингвистик ҳодиса таҳлилида инсон ва унинг ақл-заковатининг иштирокига эътибор беришни талаб қилади. Ана шу жиҳатига кўра, антропоцентрик тамойил тилшуносликнинг анъанавий эмперик таҳлил усули орқали эришилган натижаларни инсоннинг когнитив фаолиятини белгиловчи қонуниятлар билан уйғунлаштириш асосида тадқиқотлар олиб бориш вазифасини қўяди. Лингвистик тадқиқотларда концептуал ёндашувнинг татбиқ этилиши ана шундай янгича қарашни ижро этиш

йўлларидан биридир. Бинобарин, концепт инсоннинг билиш жараёнини тартибли кечишини таъминловчи ментал, яъни мантикий тузулма бўлиб, у турли таркибдаги билимлар квантини (мажмўйини) ўзида акс эттиради. Ана шу хусусиятига кўра концептуаллаштириш жараёни бир томондан, борлиқдаги нарс ва ҳодисаларни бевосита идрок этиш билан, иккинчи томондан эса, лингвистик билимларни турли категорияларга бирлаштирган ҳолда идрок этиш механизмларини ўзида акс эттиради. Мазкур БМИ учун танланган мавзу ана шу икки омил, яъни борлиқни концептлаштириш ва ушбу концептларни лисоний хотирада сақлаш механизмларини ўзида акс эттирувчи лингвистик концепт таҳлили билан боғланади. Ана шу жиҳатлар мазкур иш учун танланган мавзунинг долзарблигини бегилашга хизмат қилади.

Мавзунинг тадқиқот даражаси. Шах отларининг лингвоконцептуал табиати ҳозирга қадар алоҳида ўрганилмаган бўлса ҳам, бу борада олиб борилган илмий изланишларда сўз ясалиш типи ва унинг муайян тематик гуруҳларга мансуб сўзларнинг ясалишида иштироки ҳақидаги фикрларда мазкур масаланинг ўзига хос тавсифини кузатиш мумкин. Хусусан, ўзбек тилшунослигида А.Ҳожиев, Н.Турниёзов, А.Мадрахимов, Б.Мадалиев кабилар томонидан олиб борилган изланишлар, корейсшунослиқда эса А.А.Холодович, Ю.Н.Мазур каби олимлар томонидан эълон қилинган ишларда ана шундай аналогик механизмлар ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, Е.Курилович, И.И.Кавалик, Н.Д.Арутюнова, М.Доклул, Е.С.Кубрякова, В.В.Лопатин, И.С.Улуханов, Н.М.Шанский каби умумий тилшунослик вакиллариининг ишларида, М.Кошғарий, В.фон Гумбольд, Ф.де Соссюр каби мумтоз тилшунослик вакиллари томонидан илгари сурилган лингвистик аналогия ҳақидаги ғояларида мавзунинг тадрижий ривожини кузатиш мумкин. Мазкур иш учун танланган мавзунинг ёритишда ана шу олимлар томонидан илгари сурилган фикрларга таянилади.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. БМИ учун ўзбек ва корейс тилларида шахс отларининг функционал-семантик ва деривацион таҳлили

асос қилиб олинди. Ушбу вазифани амалга оширишда, асосий эътибор морфологик типли ясамаларнинг аналогик табиати ва бу механизмларнинг инсоннинг борлиқ – инсон идроки - тил узвилигидан иборат билиш механизмлари таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу мақсадни рўёбга чиқаришда эса корейс ва ўзбек тилларига доир илмий адабиётлардан ўрин олган сўз ясалишига доир назарий қарашлар, амалий аҳамиятга молик таҳлилларни умумлаштириш, уларга мавзу доирасида муносабат билдириш, жамланган тил фактларини тизимли таҳлил қилиш вазифа сифатида белгиланди.

Ишнинг материали ва манбаи. БМИнинг асосий тил материални ўзбек ва корейс тилларига оид изоҳли ва таржима луғатларидан тўпланган тил фактлари ташкил қилади. Шунингдек, таҳлил жараёнида ўзбек ва корейс тиллариининг сўзлашув нутқиға хос тил бирликларидан ҳам фойдаланилди.

Ишнинг методологик асослари ва методлари. БМИнинг методологик асосини мамлакатимиз Призеденти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган мустақиллик мафкураси ва унда илгари сурилган Ватан равнақи, дунё ҳамжамиятида мустақил Ўзбекистонимизнинг ўрни, хорижий тиллар ва мамлакатлар билан муносабат масаласига оид ижтимоий - фалсафий қарашлар ташкил қилади. Унда қўлланган асосий тадқиқот методлари эса тил ва нутқ ҳодисаларини изчил фарқлашга асосланган систем-структур тавсифга доир илмий-назарий қарашлар, лингвокогнетологик усул, борлиқни концептуал англаш ҳақидаги илғор қарашлар, қиёсий –типологик таҳлил усулларида иборатдир.

Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти. БМИнинг аҳамияти корейс тилини ўрганувчи талабалари учун лексик деривация мавзусини лингвокогнитив аспектда таҳлил қилиш усуллариини ишлаб чиқишда, ясама сўзлар бўйича алоҳида услубий кўрсатмалар яратишда ва бу йўналишдаги олиб бориладиган навбатдаги илмий изланишларда ўзига тажриба манбаи сифатида хизмат қилиши мумкин.

Ишнинг муҳокамаси. Мазкур БМИ Самарқанд давлат чет тиллар

институти Шарқ тиллари кафедрасида амалга оширилди ва мазкур кафедранингмайдаги №10–қарори билан ҳимояга тавсия этилган.

Ишнинг тузилиши. БМИ ишнинг умумий тавсифини ўз ичига олган кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 55 саҳифадан иборат.

БИРИНЧИ БОБ

КОНЦЕТУЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА НУТҚИЙ ФАОЛИЯТНИНГ АҲАМИЯТИ

1.1. Концепт ва унинг лингвистик талқини. Борлиқдаги предмет ва ҳодисаларни билиш, идрок этиш бир қатор мантиқий ва руҳий ҳаракатлар билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Бу фаолиятнинг дастлабки босқичини маълум бир объектнинг бошқа объектлардан фарқлаш амали ташкил қилади. Кейинги босқичда эса, фарқловчи белгиларни чоғиштириш асосида объектнинг ҳиссий образи юзага келтирилади. Навбатдаги босқичда ҳосил қилинган ҳиссий образ инсон хотирасидаги бошқа рамзлар билан билан таққосланган ҳолда, умумлаштирилади (Д.П.Горский 1985.). Ана шундай ментал ҳаракатлар асосида когнитив структуралар (тафаккур фаолиятининг қисмлари), яъни объектнинг концептал асоси бўлган тушунчалар шаклланади.

Тушунча ва концепт ўртасидаги умумийлик ҳар иккаласининг тафаккур бирлиги эканлиги, уларнинг борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни ҳис этиш асосида вужудга келадиган тасаввур билан боғлиқлиги асосида кўзга ташланади. Бу икки тушунча ўртасидаги фарқ эса концептнинг ҳажм ва қамров жиҳатдан кенглиги асосида намоён бўлади.

Ю.С.Степановнинг қайд этишича, тушунча ва концепт ўртасидаги асосий фарқ тушунчанинг мантиқ ва фалсафага тегишли термин эканлиги, концептнинг эса математик мантиқ, тилшунослик ва лингвокултуралогияга тегишли эканлигида кўзга ташланади. Унинг ёзишича, концепт инсон онгида жамланадиган “маданий қотишма” бўлиб, у тушунча билан бир қаторда, ҳис-ҳаёжон кўзғатиш, сипатия ва антипатия ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлган ментал тузилмадир. Бир сўз билан айтганда, концепт инсон мантиқий оламидаги асосий маданий ячейкадир. (Ю.С.Степанов 2006: 3).

“Когнитив терминларнинг изоҳли луғати”да қайд этилишича, концепт инсон онгидаги ментал ва руҳий асосга эга бўлган захира бўлиб, унинг

замирида турли таркибдаги билим ва тажрибалар кванти, умумлашмаси ўз ифодасини топади. Концепт доимий барқарор бўлмай, у ўзлаштириладиган билимлар ҳисобига ўзгариб туради. (Е.С.Кубрякова 1997:90-91).

Инсон концептининг лингвистик ифодалари бўлган тил бирликлари ҳам халқ тарихининг турли босқичларига хос инсон тафаккури, билим-савияси, маданияти ва турмуш тарзи билан боғлиқ ҳолда ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам лингвистик жиҳатдан тобланиб, шаклланиб келган. А.Р.Луриянинг эътирофига кўра, сўз нарса ва ҳодисаларни ифодалаш хусусиятигагина эга бирлик бўлмай, у инсониятнинг турли даврда тўплаган тажрибалари билан боғланиш асосида уларни юзага чиқариш имкониятига эга бўлган воситадир. Мавжуд тажрибаларни бир-бирига боғлаш эса уларга хос “ассоциатив” маъно воситасида амалга ошади (А.Р.Лурия 1979:40).

Е.В.Падучиевнинг ёзишича, сўзнинг моҳияти изоҳланганда бир неча сўзга тўғри келади. Ана хусусият сўз моҳияти орқали ташқи оламга хос концептул вазиятни ташкил топиш жараёни ва ташкил этувчилар ҳақида маълумотга эга бўлиш имконини яратади (Падучева Е.В.2004:52).

Ю.Д.Апресян тилнинг луғавий бирликлари замирида ётадиган ботиний структурани аниқлаш учун сўз семантик структурасини ташкил этувчи компонентлар муносабатига таянишни тавсия қилади. Унинг фикрига кўра бундай тажриба луғавий бирликларнинг лексикографик изоҳида кенг қўлланилади.

Қайд этилганлардан маълум бўладики, концепт борлиқдаги объектларни билиш, англаш жараёнида инсон онгидаги миллий дунёқараш, индивидуал билим-савия, тасаввур каби психофизиологик омиллар билан боғлиқ ҳолда ўзига хос ассоциатив яхлитлик ташкил қилиши орқали тилнинг лексик тизими билан боғланади. Шу хусусиятига кўра концепт бир томондан сўзловчининг индивидуал тажрибаси ва иккинчи томондан ижтимоий ва индивидуал тажриба билан алоқадордир.

“Когнитив терминларнинг изоҳли луғати”да тажриба – нарс ва ҳодисаларнинг моҳиятини очиш шароитида қайтадан ҳосил қилиш ва кузатишга имкон берадиган жараён эканлиги айтилади. Тажрибада нарс ва ҳодисаларнинг хилма-хил шароитларда тадқиқ қилиш, уни айни бир ҳолатда ва бошқа турли ҳолатларда истаганча такрорлаш, айрим бўлакларга бўлиш мумкин. Баъзи илмий ижодда айнан бу жараён амалга оширилмаса, натижа олиш мураккаб кечади. Демак, тажрибанинг хусусияти ҳам мураккаб. У кўп меҳнат, вақт, шижоат, тафаккур жараёнларини талаб этади.(Е.С.Кубрякова... 1997:90-91).

Аммо, тажриба инсоннинг объектига моддий ва маънавий таъсир кўрсатиш курали бўлгани учун илмий ижодда натижа олишни тезлаштириши, олинган натижаларнинг ҳақиқийлигига кафолат бўла олиши мумкин. Шу сабабли ҳам айтиш мумкинки, илмий ижодда қўлланиладиган бошқа усуллардан фарқ қиладиган энг муҳим усуллардан бири бу - тажрибадир. Тажриба ҳам инсон фаолияти натижасида келиб чиққан. Ушбу услуб кўпроқ табиат ҳодисаларини кузатиш натижасида ривожланади.

Фалсафага оид манбада тажриба қадим замонлардан бошлаб маълум бўлганлиги ва янги даврга келиб у усул сифатида шаклланганлиги айтилади. Унинг пайдо бўлишида У. Гилберт, Ф. Беконларни хизмати каттадир. Бу олимлар тажрибанинг йўналишларини аниқлаб берган. Умуман, тажриба ҳақида, унинг моҳиятини тушунтириш учун турли фалсафий оқимлар пайдо бўлган. Эмпиризм, рационализм, иррационализм шулар жумласидандир. Эмпиризм оқими вакилларининг фикрича, фақат тажрибага асосланган, сезгилар берган билимгина объектив олам нарс ва ҳодисалари ҳақида тўғри таъсаввур беради.

Рационалистларнинг фикрича, ҳақиқий билиш ва ижоднинг ягона манбаи - инсон ақли, назарий тафаккуридир. Буларнинг такидлашича, ҳақиқатни билишда сезги маълумотларига асло асосланмаслик керак. Сезгилар воқеликдаги нарс ва ҳодисаларнинг мазмун ва моҳиятини бузиб кўрсатади. Воқелик ҳақида ёлғон тасаввурларни пайдо қилади. Кўриниб

турибдики, бу иккала оқим билиш жараёнидаги мазкур муҳим талабларни алоҳида-алоҳида бўрттириб талқин қилади. Аслида эса изланишда, билиш жараёнидаги улар баҳс юритишгаётган иккала йўналишни ҳам унутмаслик лозим. Тажриба жараёнида иккала жараён ҳам муҳимдир. Уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас.

Юқорида таъкидланганидек, эмпиризм деб аталувчи оқим, ижод жараёнининг моҳиятини тажриба доираси билан чеклаб қўядилар ва сезгилар фаолиятини муболағалаштирадилар-да ақл-фаросатни камситадилар. Рационалистлар эса аксинча, тафаккур ролини бўрттириб, сезгиларнинг ижод жараёнидаги аҳамиятини камайтирадилар. Ҳолбуки, ижодда тажриба, кузатиш фаол иштирок этишини назардан четда қолдирмаслик лозим. Кашфиётлар тажриба ва амалий фаолият асосида юзага келади, чунки кашфиётлар тажриба орқали текширилади, аниқланади, ҳақиқатга айлантирилади. Илмий ижоддаги натижа аниқ тажрибалар асосида шаклланади (О.Файзуллаев. 2006:41-43).

Демак, илмий ижодда объектив нарсa ва ҳодисаларнинг янги хосса ҳамда хусусиятларини аниқлаш тажриба асосида амалга ошади. Шу сабабли ҳам илмий ижодда тажрибанинг тутган ўрни беқиёсдир. Тажриба эса кузатишлар билан мустаҳкам алоқададир. Уларни бир-бирисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Омонулла Файзуллаевнинг «Фалсафа ва фанлар методалогияси» асарида Шарқ мутафаккирларининг тажриба борасидаги қуйидаги фикрлари келтирилади: Абу Наср Форобий Ер юзидаги давлатлар хусусиятларини ўрганиб, кузатиб, адолатли давлат яратиш масаласини кўтарган, Птолемей тизимида кузатишдан шаклланган назарияга ўтишда янги фикрлар айтган, геометрик алгебрага асос солган. Форобийнинг фикрича, кузатиш асбоб-ускуналар орқали амалга оширилади. Асбоб эса, табиий ва сунъий бўлиши мумкин. Табиийлари кўз, қулоқ, сезги органлари, сунъийлари - одам ясайдиган асбоблар, жумладан мусиқа асбоблари.

Ибн Сино фикрича, сезги нарсани тўла билолмайди, фақат тафаккур тўла билиши мумкин. Тафаккур нарсанинг ўзи қандай бўлса, ўшандай билиб олиши керак, ундан ортиғи керак эмас. Кўз кўрганда нарсанинг рангидан ташқари узунлиги, бўйи, ени, шакли, шунингдек, ҳаракатдами ёки жим турибдими, буни ҳам билиб олади. Баъзи сезги органлари қаттик, юмшоқ, хид, товушларни пайқайди. Сезиш ўзгарувчанликни, тафаккур ўзгармас боғланишларни белгилаб беради. Сезиш аксиденсияларини, тафаккур субстансияни билишда хизмат қилади. Ниманики билмоқчи бўлсак, билингани ёрдамида амалга ошади, дейди Ибн Сино (О.Файзуллоев. 2006:41-43).

Бундан келиб чиқадики, борлиқни англаш, билиш, яъни тажриба Ибн Сино томонидан қайд этилганидек, муқаддам ўзлаштирилган билимлар базасида янгисининг вужудга келишига таянади. Буюк бобокалонимиз томонидан эътироф этилган бу қонуният XX асрнинг бошларига келиб рус тилшуноси А.А.Потебня томонидан лингвистик тажриба жараёнида муҳим бўлган ички форма ҳақидаги таълимотида кенг қўлланилган (Березин Ф.М. 1975:82).

1.2.Ички форма ва номлаш жараёни. А.А.Потебнянинг тавсифига кўра, ички форма инсоннинг фикрлаш фаолиятига хос қуйидаги босқичлар асосида вужудга келади: дастлаб, инсон томонидан объектив борлиқ (предмет) кузатилади, сўнгра унга хос муҳим белгилар (ички форма) аниқланади ва шу асосида нарсанинг ҳиссий образи шаклланади, ҳиссий образ тасаввурни вужудга келтиради, тасаввур эса муқаддам эришилган тажрибалар асосида янгисининг вужудга келишига, яъни *анперцепция*га таянади, энг сўнгги босқичда нарса ҳақидаги ички мушоҳада ва тушунча (мушоҳаданинг мажмуи) пайдо бўлади (Березин Ф.М. 1975:82).

А.А.Потебнянинг эътирофига кўра, инсоннинг билиш амали бевосита кузатиш натижасида орттирилган тажрибалар билангина чекланмайди, балки қиёсий мушоҳада мисолида ҳам бу идрокий жараённи кузатиш мумкин. Шунинг учун ҳам у ички формани муайян бир нарса таъсирида вужудга

келадиган ҳиссий образнинг ички қиёси ҳамда борлиқдаги объектларнинг ўзаро қиёси асосида вужудга келадиган *маъно белгиси* сифатида ҳам таърифлайди (Потебня А. А. Представление и значение // Хрестоматия по истории русского языкознания.1973: 214-215).

Қайд этилган бу мулоҳазалар борлиқ – инсон – тил ўртасидаги муносабатни идрок этишда муҳим бўлганидек, инсоннинг билиш жараёнида муттасил амал қилувчи концептуал механизмларнинг лингвистик қонуниятларга таъсири ҳақида тасаввурга эга бўлишда ҳам аҳамиятлидир. Чунки ҳар қандай ҳолда ҳам борлиқ ҳақидаги билим ва тажрибалар инсон онгида тил ёрдамида, яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, “ментал лексикон” ёрдамида жамғарилади.

Е.Кубрякованинг қайд этишича: “Ментал лексикон сўзлар ёки концептларнинг онгдаги мажмуи бўлиб, у тилдаги сўзлар ва улар билан боғлиқ грамматик қоидаларнинг идрокий иерахиясидан ташкил топади”. Шунинг учун ҳам “тилни ўрганиш ундаги концептуал тизимни ўзлаштириш”дир. Ички лексиконнинг ташқи акси сўздир (Е.Кубрякова.2003:381).

Дарҳақиқат, сўз борлиқдаги нарса ва ҳодисаларга хос концептуал алоқадорликни идрок этиш, ҳиссий элементларни рационал (ақл-идрокка асосланган) сатҳга ўтказиш орқали борлиқни иккилантириш ва шу асосда инсон хотирасида маълумотлар базасини шакллантиришда муҳим восита ҳисобланади (Лурия А.Р.1979:46). Сўзга оид яна бир хусусият П.А.Флоринский томонидан қайд этилади. У сўзни “йўргакланган жумла”дир деб таърифлайди. Е.С. Кубрякова эса сўзга хос ички семантик хусусиятларни эътиборга олиб, уни “ички предикат” деб номлайди.

Ю.Д.Апресяннинг ишида ҳам шунга яқин фикрни учратиш мумкин. Хусусан, у тилнинг луғавий бирликлари замирида ётадиган ботиний структурани аниқлаш учун сўзларнинг семантик структурасидаги валентлик имконияти таяниш лозимлигини қайд этади. Унинг қайд этишича, бу тажриба луғавий бирликларнинг лексикографик изоҳида кенг қўлланилади.

Чунки луғавий бирликларнинг лексикографик изоҳи орқали «предикат - аргументли структуралар» ўз ифодасини топади (Апресян Ю.Д. 1974:25-27).

Ана шулардан келиб чиқиб, сўзни ўзига хос лингвистик чорраҳа дебатрифлаш мумкин. Чунки сўз бир томондан тилда мавжуд бўлган қуйи бирликлар ҳақида маълумот ҳасил қилиш имконини берувчи бирлик бўлса, иккинчи томондан эса, “бўш ўринларини ўзида акс эттирувчи ички тузилишида синтактик муносабатнинг “склет”ига ишора қилувчи асос сифатида хизмат қилиши орқали кўзга ташланади (Нурмонов А., Маҳмулов Н., Ахмедов А., Солихўжаева С.199:39).

Шунинг билан бир қаторда сўз инсоннинг борлиқ ҳақидаги концептуал тажрибаларни тартибга солиш воситаси эканлиги билан ҳам характерланади. Ҳар қандай концептуал тизим эса сўзнинг номинатив функцияси орқали тартибга солинади. Чунки нарса ва ҳодисалар, белги ва миқдор, ҳаракат ва ҳолат каби тушунчалар ўртасидаги концептуал узвийлик ана шу тушунчаларнинг номинатив функцияси орқали англанади. Тилларида номинатив вазифани рўёбга чиқарувчи бирликлар хилма-хил бўлиб, бу жараённинг муваффақиятли кечиши лингвистик деривациянинг қуйидаги турлари орқали амалга оширилади:

а) **лексик номинатлар** - сўз ва сўз бирикмаларининг номинатив вазифаси асосида рўёбга чиқади. Ўзбек ва корейс тилларида инсон концептини ифодаловчи лексик номинатлар қуйидаги каби туб ва ясама сўзлар орқали кўзга ташланади: *가입자* – қатнашувчи, *각시* - келин, *간사* – котиб, *강도* – ўғри, *강사* – нотиқ, *거지* – тиланчи, *건축가* – меъмор кабилар шулар жумласидандир. Шунинг билан бир қаторда, **корейс ва ўзбек тилларида дала маликаси, ақл гимнастикаси** каби парафразалар (тасвирий ифодалар), *тўғри сўз одам, қўл эгри киши, қора юрак* каби ҳамда *기진맥진하다* – ҳолдан тоймоқ, *이용하다* – имкониятдан фойдаланмоқ, *기회를 보아서* – имкониятни қўлдан бой бермоқ каби **фраземалар, яхши одам, чиройли қўйлак, осмонўпар бино** каби ҳамда *아는 것이 없는 무능한 사람* –

통조림 깡통 – камбагал бўлмоқ; 깡통을 차다 – мусиқадан хабарсиз каби эркин бирикмалар шулар жумласидандир;

б) **пропозитив номинатлар** - гапнинг номинатив функциясини тақозо этади ва бунда гап аташ мақсадида қўлланилади. Бундай номинатив вазифадаги бирликларда сўзловчининг пропозитив мақсади, яъни мулоқот муҳитида назарда тутилган денатат билан боғлиқлик асосида номинация рўёбга чиқади. Масалан, ўзбек тилларидаги *Бугун кўчадан ўтаётган кишилар кўп эди* жумласида назарда тутилган тутилган «кўчадан ўтаётган кишилар, яъни ўткинчилар» фақат ушбу воқеликни кузатувчиси бўлган шахс учун маълумлиги билан пропозитив асослидир. 그는 말에서 떨어져 신체부자유자가 되었다- У отдан йиқилиб ногирон бўлди, жумласида эса ногиронлик пропозитив номинацияни вужудга келтириувчи асос ҳисобланади.

в) **дискурсив номинатлар** эса, муайян матндаги аташ мақсадини рўёбга чиқарувчи бош ғоя асосида намоён бўлади. Масалан, П.Қодировнинг «Авлодлар давони» романининг бош ғояси ундаги асосий қаҳрамонлар – Бобурийлар сулоласидир.

Келтирилганлардан маълум бўладики, бу турдаги номинатлар учун умумий бўлган белги муайян бир нарса ва ҳодисани аташдир. Тилда гарчи номинатив вазифага эга бўлган бирликлар қайд этилган каби хилма-хил бўлса ҳам, улар ичида марказий ўринда турадигани сўздир. Юқорида кўриб ўтилганидек, лексик номинатлар сўз ва сўз бирикмаларидан ташкил топиб, уларнинг ҳар бири номлаш жараёнидаги иштироки ва лексик-семантик, конструктив хусусиятлари билан ўзига хослик касб этади. Хусусан, сўз воситасида ифодаланадиган номинация жараёнида фонема ва морфемаларнинг синтагматик узвийлиги муҳим аҳамиятга эга бўлса, сўз бирикмаси шаклидаги номинатлар лексемаларнинг синтагматик узвийлиги асосида таркиб топади. Лексик номинатлар семантик жиҳатдан ҳам ўзаро фарқланади. Масалан, асар ва илмий асар, бадиий асар ўртасида маъно

аниқлиги ва умумийлиги билан боғлиқ тафаввут мавжудлигини англаш қийинчилик туғдирмайди. Худди шундай ҳолат бирикмали лексик номинатлар, жумладан, қўшма сўз (*отқулоқ, каттақўрғон*), ибора (*боши қотмоқ, қўли калта*), парафраза (*дала маликаси, ақл гемнастикаси*) кабилар асосида ҳам ўз ифодасини топади. Бироқ пропозитив ва дискурсив номинатия луғавий номинатлардан фарқли равишда, маъно ҳажмининг кенг ва муфассаллиги билан характерланади.

Юқорида қайд этилганидек, тилда номинатия жараёнини ташкил этувчи лингвистик воситалар асосини сўзлар ташкил қилади. Бироқ сўз термини луғавий номинатия учун умумий бўлган моҳиятни ифодалашга торлик қилади. Чунки бу типдаги номинатия биргина сўз мақомидаги бирликлардангина иборат бўлмай, унинг таркиби фроземалар, парафразалар ва турли эркин бирикмалардан ҳам таркиб топади. Шунинг учун ҳам, уларни луғавий, лексик номинатия термини билан ифодалаш мақсадга мувофиқдир. Лексик номнацион бирликларнинг айтиб ўтилган турларини фарқлаш мақсадида тилшуносликда улар бирламчи ва иккиламчи типларга ажратилади.

Бирламчи номинатия тилда азалдан мавжуд бўлган луғавий бирликларнинг тарихий-этимологик моҳияти асосида рўёбга чиқади. Бундай номинатив бирликларнинг денотатив асосини ташкил этувчи ички формани ҳар доим ҳам тўлиқ тиклаб бўлмайди. Ўзбек тилидаги тоғ сўзи «қаттиқ минераллардан ташкил топган ва ер сатҳидан баланд бўлган релеф» каби белгилари билан мазкур семантик майдонга мансуб тепалик, қир, дашт каби сўзлардан фарқланади. Мазкур сўзнинг ички формасини ташкил қилувчи айнан ана шу белгилар нутқда сигнификат сифатида реаллашади. Масалан, *Нурато бир томондан тоғ билан ўралган шахрдир* жумласида тоғ сўзига хос денотатив ва сегнификатив маъно тенг. Бироқ *«Унинг кўнгли тоғдек кўтарилди»* жумласида тоғ сўзидаги биргина баландлик белгиси сигнификат сифатида иштирок этмоқда.

Иккиламчи номинация тилдаги бирламчи номинатив бирликлар базасида ҳосил бўладиган дериватлардан ташкил топади. Чунки иккиламчи номинация бирламчи номинатив бирликларнинг ё шаклий, ё мазмуний янгиланиши асосида вужудга келади. Масалан, корейс тилида 기술-자 - (кисулжа-санъатчи), 과학-자 - (кваҳакжа-ёзувчи), 학-자 - (ҳакжа-олим), 기자 - (кижа-журналист). Каби ясалган сўзларнинг иккиламчи номинатив тизимга кириб келишида уларнинг формал-семантик жиҳатдан янгиланиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу мисоллар ҳам шуни кўрсатадики, тилдаги лексик номинациянинг асосини сўз ва уларнинг морфологик, синтактик ва семантик комбинациялари асосида юзага келган луғавий бирликлар ташкил қилади. Маълумки, сўз тилдаги энг мураккаб бирликлардан бири бўлиб, унинг ўзига хос ташқи ва ички формаси мавжуд. Сўз ана шу таркибий қисмлар бирлиги орқали нарса, ҳодиса, белги, ҳаракат кабилар билан нисбатланади. Бу жараён мураккаб психо-физиологик жараён билан боғлиқ бўлиб, унинг дастлабки асосини барлиқни кузатиш ташкил қилади. Хусусан, инсон борлиқни кузатар экан, онгда дастлаб нарса ҳақидаги тасаввур, идрокий образ вужудга келади. Ана шу образ тушунчанинг вужудга келиши учун асос бўлади. Тушунча нарса ҳақидаги мантикий мушоҳада бўлиб, унинг муайян бир номема воситасида ифодаланадиган моҳияти луғавий маънони ташкил қилади. Шунинг учун ҳам тилшуносликда тушунча мантикий, маъно эса лингвистик объект сифатида баҳоланади.

Тилдаги сўзлар ифодаловчи (фонетик таркиб) ва ифодаланувчи (маъно) томонлар узвийлиги асосида лингвистик яхлитликка эга бўлади. Ифодаловчи ва ифодаланувчилар ўртасидаги бағланиш шартли бағланиш бўлиб, бу шартлилик, аташ эҳтиёжи туғилганда нарсага мутлақо алоқадор бўлмаган ифодаловчи билан номланиши мисолида кўзга ташланади. Хусусан, ўзбек тилидаги ота сўзи семантик жиҳатдан қон-қариндош, мендан катта, мендан аввалги 1-авлод, эркак, каби семалар узвийлигидан ташкил топади. Ушбу семалар яхлитлиги асосида юзага келадиган тушунча рус тилида отец, инглиз

тилида *fathe*, тожик тилида падар каби турлича ифодаловчилар билан белгиланади.

Тилшуносликда сўзларнинг ифодаловчи қисми номема, ифодаланувчи копоненти эса семема деб юритилади. Номема сўзнинг товуш таркибини ташкил этади. Номемалар ҳар бир тилда ўзига хос фонологик структуралар асосида намоён бўлади. Тиллар ўртасидаги асосий тафавутлардан бири номемаларнинг ўзига хос товуш таркибига эга бўлиши билан тафавутланади. Масалан, ўзбек тилида CV, VC; инглиз тилида CCV, VCC тарзида номеманинг намоён бўлиши, шунингдек, сўз уғусининг ўзбек тилида боғлиқ урғули, инглиз тилида эса эркин урғули бўлиши кабилар, шулар жумласидандир.

Худди шундай ҳолатни сўзнинг семемалари таркиби мисолида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, ота сўзи ўзбек тилида билдирадиган тушунча нуқтаи назардан, шунингдек, аташ маъносига кўра муштарак бўлса ҳам, бу сўзга хос маъно корейс ва ўзбек тилларининг лингвокультурологик асослари билан боғлиқ ҳолда фарқланади. Хусусан, ота ўзбекларда бутун умр эъзозланиши, кексалиги фарзандлар ғамхўрлиги асосида таъминланганлиги, фарзандларини улғайтириш билан бир қаторда уларни ўқитиш, турмуш қуриш, қолаверса, мустақил ҳаётини фаолият кўрсатиши учун масъул шахс сифатида қаралади. Худди шундай лингвокультурологик асос корейс халқига ҳам хосдир. Бироқ Европа халқларида, хусусан, инглиз халқлар маданиятида ота зиммасида бундай мажбуриятлар ўзбеклардагига нисбатан пассивроқдир. Ана шу ҳолатлар бу тилларда ота сўзининг маъно сируктурасида фарқланишни ҳосил қилади. Бундай фарқлар луғавий номинатларнинг компонент таҳлилида аниқроқ кузга ташланади. Хусусан, тилшуносликда семантик таҳлил талабига кўра лексик маъно семема, унинг компонентлари эса семалар деб юритилади. Семема борлиққа бўлган объектив муносабат ва субъектив хабар жиҳатидан тавсифланади. Биринчи ҳолатда, яъни семема борлиққа бўлган муносабатга кўра икки турли семаларга ажралади: 1) денотатив сема; 2) конататив сема. Денотатив сема тушунчага тенг келадиган семадир, конататив сема эса тушунчадан фарқли равишда шахсий муносабатни

ифодаловчи семадир. Сўзнинг номинатив функцияси денотатив ва коннотатив сема орқали амалга ошишиши мумкин. Масалан, ўзбек тилида шер-йиртқич ҳайвон маъносини ифодалашига кўра, денотатив маъно ифодалайди. Бироқ *Алишер! Сиз чинданам шерсиз*, жумласида бу сўзнинг конаотатив маъноси рўёбга чиқмоқда. Инглиз тилида lion денотатив маъносига кўра йиртқич ҳайвон, конотатив маъносига кўра машҳур шахс маъносини ифодалайди. Демак, конотатив маъно замирида аташ билан бир каторда сўзловчининг нарсига бўлган муносабати ҳам бир йўла ўз аксини топади. Айнан ана шу омил номинациянинг иккиламчилигидан далолат беради.

Қайд этилганлардан келиб чиқадики, ўзбек ва корейс тилларида шахс концептини ифодаловчи лексик бирликлар кўлами бирламчи ва иккиламчи номинатив бирликлар асосида ифодаланиш хусусиятига кўра деярли ўхшашдир. Бу бирликлардан бирламчи номинатлар туб асосли бўлиб, улар тил тарихининг турли даврларида вужудга келгани боис, уларни фақат тарихий-этимологик нуқтаи назардангина ўрганиш мумкин. Иккиламчи нлминатив бирликлар эса ҳар бир тилнинг замон талабига монанд равишда ривожланиш қонуниятларини ўзида акс эттириши билан турли нуқтаи назардан тадқиқ этиш имконига эга. Ана шуни назарда тутиб, ушбу ишга шахс концептига мансуб ясама сўзларнинг корейс ва ўзбек тилларидаги қиёсий таҳлили мавзу сифатида танланди.

ИККИНЧИ БОБ

ЛЕКСИК ДЕРИВАЦИЯ ВА ЛИНГВИСТИК АНАЛОГИЯ МУНОСАБАТИ

2.1. Тилшунослик тарихида аналогия ҳақидаги қарашлар. Тил билан объектив борлиқ ва сўз билан предмет орасидаги муносабат масаласида олиб борилган баҳслар эрамиздан аввалги ва эрамизнинг биринчи асрларида аналогистлар ва аномалистлар деб аталадиган карама-қарши маслак вакиллари ўртасида ҳам қизғин давом этган. Хусусан, аналогистлар тилнинг грамматик қурилиши, луғат бойлиги ва борлиқ ўртасида мослик, ўхшашлик, қатъий тенглик бор, деб ҳисоблаганлар. Улар ўзларининг бу фаразларини, юнон ва грек тилларидаги род ва бошқа категория мисолида далиллашга ҳаракат қилишган. Масалан, уч хил род нарсаларнинг эркак, аёл ёки ҳар иккала жинсга дахлдор бўлмайдиган турларга ажралиши шундан далолат беради.

Анологистлар эса сўз ва нарса ўртасида тўла мослик йўқ. Биз доим мослик меъзонидан чекинишларга дуч келамиз, деб ҳисоблашади. Улар ўзларининг бу қарашларини род категориясига хос номутаносиблар таҳлили орқали далилайди. Хусусан, сирота женский родда бўлгани ҳолда, бу сўз ўғил болаларга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Афины сўзи кўплик шаклида, бироқ битта шаҳарни ифодалаш учун хизмат қилади ([Ф.М.Березин.1975:11](#)).

С.Усмоновнинг ёзишича, бу мунозара ўрта аср *“реализм”* ва *“номинализм”* таълимоти вакиллари томонидан ҳам давом эттирилган. Хусусан, реализм таълимоти вакиллари “Инжил”да илгари сурилган ғояга таянилгани ҳолда, сўз ва тушунчалар нарсалардан аввал вужудга келганлигини эътироф этишади. Ана шунга монанд равишда, бу таълимотда реал борлиқнинг умумий тушинчалардан иборатлиги, нарсалар эса тушунчаларнинг нусхаси эканлиги қайд этилади. Номинализм таълимотида эса, бу масалага аксинча баҳо берилади. Унга кўра, нарса ва ҳодисалар реал равишда мавжуддир, улар ҳақидаги тасовур орқали тушунча вужудга келади. ([С.Усмонов.1972:28](#)).

Келтирилган бу мулоҳазалар мазкур даврларда устивор бўлган “натурфалсафа” ва “антропоцентрик” дунёқараш борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг ифодаловчиси бўлган тилнинг моҳиятига баҳо беришда, хусусан, унинг табиийлик ва ижтимоийликка муносабатини белгилашда ҳам ўз таъсирини кўрсатганлигидан далалат беради. Жумладан, стоиклар тилга инсоннинг фикри ва ҳис-туйғуларини ифода этувчи табиий қобилият сифатида баҳо беришади. Бу нуқтаи назарга кўра, борлиқ ҳам, унинг ифодаси бўлган тил ҳам келиб чиқишга кўра табиий ҳодисалардир. ([Ф.М.Березин.1975:11](#)).

Мазкур даврда юзага келган иккинчи нуқтаи назарга кўра, борлиқдаги нарса ва ҳодисалар каби тил ҳам табиий асослидир. Бироқ бу асос замирида табиий онг ётади, тил эса ана шу асосда вужудга келадиган ижтимоий ҳодиса сифатида талқин этилади. Хусусан, Фаробийнинг фикрига кўра, “Инсон онги икки турлидир: улардан биринчиси, ички (интуитив) онг бўлиб, у инсонга табиат томонидан берилади. Иккинчиси эса ташқи (ҳосил қилинган) онгдир ва у табиатдан мақсадга кўра олинади. Фаробий ана шунга мувофиқ тарзда инсон билимини ҳам икки турга ажратади: 1) туғма; 2) ўқиш ва тажриба асосида эришилган билим. Унинг эътирофига кўра, янги туғилган болада билиш имконияти, билиш руҳияти бор бўлиб, у туғмадир. Шу билан бирга инсон сезги аъзолари билан ана шу имкониятни юзага чиқаради. Атроф-муҳитни билиб боради. Ном ва тушунчалар сезги аъзоларнинг маҳсулидир. Улар авлоддан авлодга берилади. Шунинг учун ҳам улар туғма эмас, қабул қилинган билимлардир ([А.Нурмонов.2002:8](#)).

Бундан келиб чиқадики, тилнинг табиийликка муносабати инсон онгининг табиийлиги, туғмалигидан келиб чиқадиган белги орқали намоён бўлади. Бироқ индивидуал онг базасида тил шакллана олмайди, шунинг учун ҳам тилнинг вужудга келиши ижтимоий онг билан боғлиқ ҳолда тавсифланади. Тил ва тафаккур ўртасидаги муносабат масаласининг ўзига

хос талқини Европа уйғониш даврида тилни рационал ва универсиал ҳодиса сифатида баҳоланиши орқали кўзга ташланади.

“Фалсафа тарихи”да қайд этилишича, универсиаллик ғояси муқаддам грек файласуфлари томонидан урф-одатлар ва таомилларнинг ранг-баранглиги замирида *бир умумий ахлоқ ва битта универсиал сиёсий идеал* ётиши ҳақида қарашлар орқали илгари сурилган (Фалсафа тарихи.2002:59). Бу ғоянинг ўзига хос акс-садоси Аристотелнинг ишларида ҳам учрайди. Хусусан, у нарса ва ном ўртасидаги табиий боғланишни рад этгани ҳолда, ўзининг бу фикрини муайян бир нарсанинг турли тилларда турлича номга эга бўлиши мисолида далиллашга ҳаракат қилади. Унинг эътирофига кўра, сўзлар фақат ташқи структураси билан фарқланади, ички структура эса тиллараро муштарак хусусиятлидир (Т.А.Бушуй.2011: 59).

Бу маълумотлар Пор-Роял грамматикачилари томонидан илгари сурилган ва кейинчалик Н.Чомский томонидан ривожлантирилган тилдаги умумийлик ва роционаллик принцига асосланувчи ғоянинг пойдевори ҳам қадимий давр илмий-фалсафий дунёқараш билан боғлиқлигидан далолат беради. Бу таълимотга кўра, тил ўзаро узвий боғлиқ бўлган икки сатҳдан, яъни ботиний ва зоҳирий сатҳлардан таркиб топадиган яхлитлиқдир. Ўз табиатига кўра универсиал ва роционал асосли бўлган ботиний сатҳ мантикий тамойил асосида иш кўради ва ички мушоҳада бу сатҳнинг асосий бирлиги ҳисобланади, унинг рўёбга чиқиши эса бевосита тил бирликлари ёрдамида кўзга ташланади.

Тилшуносликда “Универсал грамматика” ҳамда “Роционал грамматика” (ratio+nis-ақл асосига қурилган) каби номлар билан юритиладиган грамматика вакилларининг асосий мақсади тилнинг ижодкорлик хусусияти, ифода имкониятини тадқиқ этиш бўлган. Лекин лисоний ижодкорлик хусусияти ва лисоний қобилиятининг асосий тадқиқот объектига айланиши анча қийин кечди. Бинобарин, бунга

“иккинчи когнитив инқилоб” юз бергандан сўнггина эришилди (Ш.Сафаров.2008: 25).

Роционал грамматикачилар томонидан илгари сурилган ғоялар ўз даврида ҳам муайян таъсирга эга бўлган. Жумладан, И.Гердернинг фикрига кўра, тилнинг келиб чиқиши инсонларнинг табиий эҳтиёжи билан боғлиқ бўлиб, бу жараённинг содир бўлишида инсоннинг сезиш ва идрок этиш қобилятининг ривожи муҳим аҳамият касб этади. Унинг эътирофича, инсон борликдаги нарсаларни уларга хос энг муҳим белгиларига кўра фарқлайди. Нарсаларга хос ана шу белгилар сўзларда ўз ифодасини топади. Сўзлар эса борликдаги нарсаларга хос тушунчанинг ифодаси сифатида умуминсоний хусусият касб этади (Ф.М.Березин.1975:23).

Инглиз тилшуноси Д.Локкнинг эътирофига кўра, инсон борликдаги нарсаларни ҳис қилиш орқали қабул қилади. Сўзлар ўз табиатига кўра физик хоссали бўлиб, улар алоҳида товушлар узвийлигидан ташкил топади, ана шу хусусият уларни эшитиш асосида ҳис қилиш имкониятини яратади. Сўзга хос лингвистик функция эса маъно узатиш орқали намоён бўлади. Бироқ маънони ҳиссий аъзолар ёрдамида бевосита қабул қилиб бўлмайди. Шунинг учун сўзлар муайян шаклда, яъни товушлар ёрдамида моддийлашган ҳолда ўз функцияни рўёбга чиқаради (Ф.М.Березин.1975: 25).

С.Усмоновнинг қайд этишича: “Антик давр олимлари ўз таълимотларини исботлаш учун тилга ва тилшуносликка аҳамият берган бўлсалар, уйғониш даври тилшунослари тилни бутун элементлари билан бир бутун ҳолда тушинишнинг умумий принципларини топиш учун фалсафага мурожаат қилганлар” (С.Усмонов.1972:31). Худди шундай ёндашувни Вильгельм фон Гумбольдт мероси мисолида ҳам кўриш мумкин. Зотан, у антик даврдан бошлаб, кейинги барча босқичларга доир энг илғор қарашларни умумлаштириш ва ижодий ривожлантириш асосида тил фалсафасини яратган олимдир. Гарчи, замонавий тилшуносликда

Гумбольдт меросига юксак баҳо бериб келинган бўлса ҳам, бу меросдаги “умумфалсафий имкониятилар ҳозиргача нафақат тўлиқ ўрганилмаган, балки унинг моҳияти ҳам тўлиқ англаб етилгани йўқ”. Зеро, бу илмий мерос «инсоннинг билиш фаолиятида тилнинг вазифаси (лингвогносеология), инсон – тил – маданият муносабати (лингвокултурология), тил ва жамият алоқаси, тил ва шахс муносабати, тилнинг инсон амалий фаолиятига таъсирини (лингвопраксиология) ўрганиш»га доир мулоҳазаларни ўзида мужассамлантирганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади (Т.Бушуй, Ш.Сафаров.2007:183).

Вильгельм фон Гумбольдтнинг наздида тил инсоннинг ички талаби асосида шартланган восита бўлиб, у жамият аъзолари ўртасида мулоқот ўрнатиш асосидагина эмас, балки инсоннинг руҳий ривожини таъминловчи ва дунёқарашини шакллантирувчи восита сифатида, аслида унинг табиати билан узвий боғлиқ бўлган ҳодисадир (В.Гумбольдт//Хрестоматия. 1956: 69). Шунинг учун ҳам, олим томонидан тил инсон руҳиятини фикр ёрдамида рўёбга чиқарувчи орган эканлигини қайд этади. Унинг эътирофича, тафаккур фаолияти изсиз, яъни соф руҳий жараён бўлиб, бу мавҳумликни ҳис этиш органларига тақдим этувчи восита тилдир. Тил ва тафаккур фаолияти бири-бири билан узвий боғлиқ бўлган яхлитликни тақозо этади. Ҳар қандай зарурий ҳолатларда тафаккур тил товушлари билан боғланиш имкониятига эгадир. Акс ҳолда, тасаввур тушунча ёки маънога айланмайди, тил эса англаш даражасига эга бўлмайди (В.Гумбольдт//Хрестоматия. 1956: 78).

Гумбольдтнинг фикрига кўра, борлиқ ва инсон ўртасидаги муносабат онг воситасида таъминланади. Инсон онг воситасида нарсаларга хос белгиларни ҳис қилади ва шу асосда уларнинг ҳиссий образини яратади. Сўзларда нарсанинг оддий андозаси эмас, балки уларнинг руҳий образи ўз аксини топади” (В.Гумбольдт//Хрестоматия.1956:81). Халқ руҳининг муттасил фаолияти натижасида товушлар маъно билан сингишган ҳолда турли формаларда намоён бўлади. Айнан ана шу формалар тадқиқотчига

тилнинг табиати ва унда яширинган сир-синоатни очишга ёрдам беради (В.Гумбольдт//Хрестоматия. 1956: 73-75).

В.И.Кодуховнинг ёзишича, «Гумбольдт тил формасини қуйидаги уч омил билан боғлиқ ҳалда таалқин этилади: а) тил формаси руҳнинг доимий ва барқарор фаолияти туфайли нутқ товушларни маъно ифодаловчи восита даражасига кўтарилишини белгилайди, б) «тил формаси сўзлар воситасида ҳаракатга келувчи оддий агрегат эмас, балки ҳар бир элементнинг бошқа бир элемент билан узвийлиги туфайли барқарорлик топадиган системадир. Мазкур система ҳар бир тилда ўзига хос характерли хусусиятлар асосида намоён бўлади, в) тил формаси моддий (материал) ва идрокий (идеал), яъни ташқи ва ички формалар узвийлигидан таркиб топади». Шундай экан, тил формаси унинг систем барқарорлигини белгиловчи асосдир. Шунинг учун ҳам, «ҳалигача тилда бирорта янги бирлик ихтиро этилган эмас. Бунинг боиси тилдан фойдаланиш ҳамиша унда аввалдан амал қилиб келган формалардан фойдаланишни тақозо этишидадир. Зеро, бу формалар нутқ жараёнида муайян ўзгаришга учраса ҳам, бу ўзгаришлар тил аналогиясидан ташқарига чиқиб кета олмайди» (В.И.Кодухов.1974:28).

Дарҳақиқат, тил тараққиёти, таъбир жоиз бўлса, тил ижодкорлиги тубдан янгилашни эмас, балки унда мавжуд бўлган имкониятлардан унумли фойдаланишни тақозо этади. Хусусан, тилдаги ҳар қандай **янгилашни** унга хос бирликлар замирида ўз ифодасини топадиган аналогик қонуниятлар доирасидан ташқарига чиқиб кета олмайди. Демак, Гумбольдт томонидан эътироф этилган тил формаси нафақат уни яхлит система сифатида тасаввур этиш имконини берадиган бирлик сифатида, балки ушбу системада амал қилувчи аналогик қоидалар мажмуи сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

2.2. Аналогия ҳақидаги таълимотнинг замонавий талқинлари. XX аср бошларида диалектик таълимотининг кенг ёйилиши бошқа фанлар каби, тилшуносликка ҳам ўз таъсирини ўтказди. Зеро, диалектика, метофизикадан фарқли улароқ, борлиқ ва онгнинг ранг-баранг хусусиятлари ҳар доим ўзаро

алоқадорлик, боғлиқликда ўрганиш лозимлигини кўрсатади ҳамда тадқиқотчиларга нарс ва ҳодисаларнинг моҳиятини очиб беришга хизмат қила оладиган умумий гносеологик қонун ва категорияларни тавсия этди. Бу бошқа соҳаларда бўлганидек, тилшуносликда ҳам ижобий ўзгаришларнинг вужудга келишига сабаб бўлди (Ҳ.Неъматов. О.Бозоров. 1993:6).

Дарҳақиқат, В.фон Гумбольд ва унинг издоши бўлган А.А.Потебнянинг лингвистик қарашлари ана шу дунёқарашнинг тилшуносликдаги дастлабки татбиқларидан бири сифатида баҳоланиши мумкин. Шунинг билан бир каторда, ўтган аср бошларида тилнинг барча қирраларини узвий тарзда бирлаштириб, уни яхлит тизим сифатида ўрганиш ғоясини илгари сурган Ферденанд де Соссюрдир иждоди мисолида ҳам бу фалсафий дунёқарашнинг амалий ижроси кўзга ташланади. У тил ва нутқ ҳодисалар ўртасидаги умумий ва хусусийлик, мавҳумлик ва аниқлик, актуаллик ва вертуаллик кабиларни фарқлаган ҳолда, асосий эътиборни тилнинг ички структурасини, унинг ижтимоий моҳиятини ўрганишга жалб қилди.

Манбаларда қайд этилишича, “Соссюр ва унинг издошлари томонидан илгари сурилган структур-систем назариянинг асосий ютуғи шундаки, тилшуносликда унга қадар юзага келган « қиёсий-тарихий парадигманинг «атомистик», яъни тил ҳодисаларини алоҳида-алоҳида, бир-биридан ажратган ҳолда таҳлил қилиниши натижасида юзага келган нуқсонларни бартараф қилиш йўлини тутди. Систем-структур йўналишнинг асосий самараси тилнинг тизимли ҳодиса эканлигини исботлашдан иборат бўлди» (Ш.Сафаров.2008:35).

Ферденанд де Соссюр томонидан илгари сурилган асосий ғоялардан бири тилга белгилар системаси сифатида муносабатда бўлишдир. Зеро, бу таълимотнинг замирида нафақат тилнинг белгилар тизими эканлиги, балки ушбу белгилар тизимини бошқаришда инсоннинг лисоний қобитлияти муҳим аҳамият касб этиши ҳақидаги қарашлар ҳам ўз ифодасини топган эди (Ш.Сафаров.2008:24).

Ш.Сафаровнинг қайд этишича, лисоний қобилиятининг замонавий тилшуносликда асосий тадқиқот мавзуларидан бирига айланишида Наом Чомскийнинг хизматлари беқиёсдир. Чомский Пор-Роялчилар тажрибаси ва ўтган даврда илгари сурилган “ғоялар капитали”га таянган ва уларни ижодий ривожлантирган ҳолда, тилни биргина зоҳирий асосда воқеланувчи структуралар таҳлили (эмпирик таҳлил) орқали эмас, балки ана шу структураларнинг ботиний асоси билан биргаликда ўрганиш лозимлигига эътибор қаратди. Унинг фикрига кўра, дастлабки босқичда гап ва бошқа турдаги тузилмаларнинг ботиний асоси, яъни фикр ва ҳукм тизими ҳосил бўлади. Кейинги босқичда ушбу ботиний структуралар, махсус амаллар, яъни грамматик трансформация – кўчишлар ёрдамида рўёбга чиқади. (Ш.Сафаров. 2008:26).

Дарҳақиқат, воқеликни тўғридан-тўғри акс эттириш тилнинг вазифасига кирмайди, зеро бу вазифани дастлаб тафаккур бажаради. Ўз навбатида, тафаккурда юзага келадиган ментал тузилмалар тил тизимида ўз ифодасини топади (Ш.Сафаров.2006:21). Ана шу нуқтаи назардан қаралганда, талга хос ҳар қандай номинатив бирлик замирида у ифодаляйдиган нарсанинг оддий ёрлиғи эмас, балки нарсаларни билиш, идрок этиш билан алоқдор тартибли фаолият ўзида аксини топади. Бироқ тил воситасида жамғариладиган билим биргина борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни лингвистик ифодалаш билан чекланмайди, балки ботиний тузилмаларни рўёбга чиқаришда муҳим бўлган лингвистик механизмалар ҳам ўз табиатига кўра алоҳида билимлар категориясини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам, Е.С.Кубрикова тилнинг когнитив фанлар билан муносабатига баҳо берар экан, борлиқнинг лингвистик ифодаси икки типили билим асосида намоён бўлишини қайд этади. Улардан биринчиси “тилга оид билим” бўлса, иккинчиси “борлиққа ҳақидаги билим”дир. Тилга оид (яъни лингвистик) билим тил тизимининг ички қурилишига даҳлдор бўлиб, унинг замирида тил бирликлари ва категориялари, тилнинг замон талабига монанд равишда ривожланиш қонуниятлари ва функциялари ҳақидаги кўникмалар ўз

ифодасини топади ([Е.С.Кубрикова.2004:10](#)). [В.фон](#) Гумбольд илгари сурилган ва [А.А.Потебня](#) томонидан ривожлантирилган ички форма ҳақидаги таълимотда эса бевосита борлиқни идрок этишга доир билим ўз ифодасини топади.

Демак, тил нафақат борлиқни ифодаси бўлган номинатив бирликлар воситасида жамғариладиган билимлар манбаи сифатида, балки номнativ бирликларга бўлган эҳтиёжни узлуксизлигини таъминловчи лингвистик механизмларга оид билимлар манбаи сифатида ҳам когнитив фаолият билан боғланади. Тилнинг когнитив фаолият билан боғлайдиган лингвистик механизмларга оид билимлар силсиласи аналогия мисолида ўз ифодасини топади.

Аналогия термини гарчи илк бор антик давр тилшунослари томонидан истемолга киритилган бўлса ҳам, унинг номинатив бирликларнинг изчил содир бўлишига доир қонуниятларни ўрганишга нисбатан татбиқ этилиши [В. фон Гумбольд](#) меросида, кейинчалик эса [Ф. де Соссюр](#) ва “Ёш грамматикачилар”нинг илмий фаолиятда кўзга ташланади. Хусусан, [Б.Дельбрюк](#)нинг фикрига кўра, сўзлар инсон хотирасида ассоциатив гуруҳлар ташкил қилган ҳолда ўзаро узвийлик касб этгани каби аналогия ҳам улар билан биргаликда амалда қилади.. Масалан, сўзларнинг келишиклар билан турланиши, шахс-сон, замон билан тусланиши, муайян бир асос ёрдамида сўз ясалишида “ассоциатив аналогия”га таянилади ([В.А Звегинце.1956:187](#)).

[Ф.де Соссюр](#) ижодида бу масалага бирмунча кенгроқ муҳокама қилинганини кўриш мумкин. Унинг қайд этишича, тилда содир бўладиган янгиланиш ва ўзгаришлар икки асос билан боғлиқ ҳолда содир бўлади. Улардан биринчиси, фонетик ўзгаришлар бўлса, иккинчиси, аналогик ўзгаришлардир. Фонетик ўзгаришлар нутқнинг физиологик ва физик жиҳати орқали намоён бўлади, аналогик ўзгаришлар эса нутқ актининг психик ва ментал (мантикий) жиҳатига дахлдорлиги билан характерланади. Фонетик ўзгаришлар онгли равишда, яъни алоҳида мақсадни кўзлаб амалга

оширилмайди, шунинг учун ҳам бу ҳодисани соф механик жараён сифатида эътироф этиш мумкин. Аналогия эса, онгли равишда, яъни аниқ бир мақсадни кўзлаб амалга оширилади, шунга кўра унинг замирида рационал жараён ўз ифодасини топади (Ф.деСоссюр.1990:49).

Аналогия тил ва нутқда содир бўладиган ҳар қандай регуляр модификация мисолида кўзга ташланади. Зотан, бу ҳодиса муттасил тақлид қилиш мумкин бўлган андозаларни тақозо этади. Бундай андозаларни сўз ясалиши, сўз шакллариининг ҳосил бўлиши мисолида кузатилади. “Аналогик форма” эса, муайян бир андозавий қонуниятлар асосида бирдан ортик лингвистик муқобилларнинг вужудга келишини таъминловчи типик формаидир (Ф.де Соссюр. 1977: 195).

Ф. де Соссюр аналогияни тилнинг диахрон ва синхрон аспектларини туташтирувчи эволюцион восита сифатида талқин этади. У аналогик фактни уч ижрочи иштирокида содир бўладиган воқеликка қиёслайди. Ушбу воқеликдаги, биринчи ижрочи анъанавий ва қонуний асосга эга бўлган типик мерос бўлса, иккинчиси, ана шу типик мерос асосида вужудга келадиган рақобатчи формалардир, учинчи ижрочи эса типик мерос ва янги формалар ўртасида рақобатни вужудга келтирувчи халқ оммасидир (Ф.де Соссюр. 1977:197).

Аналогияга хос муҳим жиҳатлардан бири руҳий асос бўлиб, бу асос грамматик хусусият билан уйғинликда намоён бўлади. Бинобарин, аналогик формаларга хос ассоциативликни аниқлаш ва баҳо беришда грамматик қонуниятга таянилади. Ф.де Соссюрнинг фикрига кўра, аналогия ўз ибтидосига нутқда эга бўлади. Чунки аналогия учун асос бўладиган ҳар қандай форма дастлаб нутқда вужудга келади. У маълум бир шахснинг тасодифий ижод маҳсули бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам аналогиянинг пайдо бўлишини тилдан эмас, нутқдан ахтариш лозим (Ф.де Соссюр. 1977:199).

Аналогик формаларнинг вужудга келиши ва лингвистик реалезацияси нутқ билан боғлиқ бўлса ҳам, уларнинг нутққа қарамлиги шу билан ўз

ниҳоясига етади. Чунки аналогик формаларнинг кейинги тадрижи нутқий фаолият билан боғлиқ ҳолда давом этади. Зотан, ҳар қандай форма айнан жамоавий нутқий фаолиятида муттасил қўлланиши орқали ўзининг ассоциатив барқарорлигига эга бўлади ва шу асосда тил эгаларининг хотирасидан чуқур ўрин эгаллайди, одатий, анъанавийлик касб этади. Ана шу хусусият аналогияни бир томондан, бевосита тилда содир бўладиган деривацион ҳодисаларга хос лингвистик изчиллигини белгиловчи типик восита сифатида, иккинчи томондан эса нутқ бирликларига хос структурал типларни тадқиқ этишда муҳим асос сифатида хизмат қилади.

Соссюр: «Тилда пайдо бўладиган ҳар қандай янги форма унда аввалдан мавжуд бўлган ички ресурсларни ишга солиш асосида вужудга келади», -деб ҳисоблайди ([Ф.де Соссюр. 1977:78](#)). Бироқ бу аналогик моделларни мақсадга мувофиқ тарзда керакли бирликлар билан тўлдириш деган механистик ҳулосага ҳам олиб келмаслиги лозим. Зеро, Наом Чомский томонидан эътироф этилганидек, тил инсон ижодкорлиги ва унинг ўзлигини эркин намоён этиш имконини берувчи ҳодиса сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади ([Н.Чомский.2005:66](#)).

В. фон Гумбольдт тил ва унинг соҳиблари ўртасидаги бундай муносабат хусусияда қуйидагиларни қайд этади: 1) тилни ўрганмай туриб, инсон табиатини нафақат қисман, балки мутлақо англаб бўлмайди, 2) тилнинг моҳиятини идрок этиш ва тушинтириш учун унинг табиати, ички дунёсини билиш лозим ([Т.А.Бушуй.2011:105](#)). Дарҳақиқат, тил инсон иштирокисиз ўзича мавжуд бўладиган ҳодиса эмас, у бутун борлиғи билан инсониятнинг тажрибасига бориб тақалади. Тил ижодкорлиги эса унинг ботиний асосида кўзга ташланади. Зеро, тил ботиний асосига кўра ҳар қандай чекловлардан ҳоли бўлиб, ана шу хусусиятига кўра у Н.Чомский томонидан “инсониятнинг умумий ютуғи” деб баҳолайди ([Н.Чомский.2005: 66](#)).

Ўз навбатида, ҳар қандай лисоний эркинликнинг рўёбга чиқиши жамоавий нутқий фаолият доирасида амалга ошади. Тилда содир бўладиган ҳар қандай янгиланишнинг ташаббускори индивид бўлса ҳам, бу ташаббуснинг

амалий ижросида ижтимоий тажриба асосида шаклланадиган қоидаларга таянилади. Аналогия ана шундай ижтимоий аппрециптив билимларнинг индивидуал реалезациясини тақозо этади.

Тилда мавжуд бўлган ҳар қандай аналогия замирида унинг генетик асоси бўлган нутқий тамойиллар ўз ифодасини топади. Бу тамойил тил бирликларининг бирин-кетин боғланишни тақозо эувчи синтагматик муносабат орқали кўзга ташланади. Ўз навбатида, у ёки бу синтагманинг аналогик табиатли эканлиги тилга хос асосий қонуният, яъни парадигматик муносабат орқали белгиланади.

Аналогиянинг амалий қўламини замонлар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Бинобарин, аналогия орқали қадимдан амал қилиб келган лингвистик тажрибаларнинг замонавий тадбиғини кузатиш мумкин. Л.Блумфилд томонидан қайд этилганидек, сўз ясалиши орқали ўз ифодасини топадиган деривацион моделлар аналогияни кузатиш учун энг қулай имконият ҳисобланади ([Л.Блумфилд.1968:451](#)). Ана шу хусусиятига кўра, аналогия тилнинг диахрон ва синхрон асосларини ўзаро туташтирувчи восита ҳисобланади.

Вильгельм фон Гумбольдт тилдаги динамикани илғаш учун унинг репрезентатив ва коммуникатив функциялари ҳамда инсон руҳий фаолияти ўртасидаги ўзаро муносабатга аҳамият бериш лозимлигини уқтиради. Бироқ «тил системаси таҳлилида бундай йўлдан бориш ўзига хос қийинчиликлардан ҳам холи эмас. Чунки тил таркибан турли элементлар: сўзлар, қоидалар, аналогиялар ва шу каби истиснолар»дан иборат бўлиб, ана шу тарқоқликларни умумлаштириб, яхлит ҳолда идрок этиш орқалигина ундаги жараённи илғаш мумкин. Олимнинг эътирофига кўра, «тил формаси» ана шундай умумлаштирувчи манба ҳисобланади ([В.Гумбольдт//Хрестоматия..1956:73-75](#)).

Шундай экан, лисоний номинация, биринчидан, нарса, ҳодисаларни идрок этиш ва номланишига доир тажрибаларни, иккинчидан, нутқий фаолит асосида орттирилган ва номлар замирида ўз ифодасини топадиган лингвистик

механизмларни ўзида мужассамлантирувчи восита сифатида муҳим аҳамият касб этади. Номинация ана шу икки жиҳати билан рационал тамойилларга бориб такалади. Номинациянинг тиллараро универсиаллиги эса миллатидан қатъий назар инсон зотиға инъом этилган онгнинг ишлаш принцидаги муштарак хусусиятлар орқали кўзға ташланади. Бинобарин, номинатив бирликлар дастлабки асосини нарсa ва ҳодисалар ҳақидаги ички мушоҳада, яъни ботиний структура ташкил қилади. Ана шу ботиний структураларнинг лисоний ифодасининг режали асосда рўёбға чиқишида ижтимоий нутқий фoлият синовидан ўтиб, тил эгаларининг хотирасидан мустаҳкам ўрин эгаллаган аналогик механизмлар муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ботиний структураларнинг бевосита воқеланишини таъминловчи ташқи формалар эса, ҳар бир тилда анъанавий тарзда амал қилиб келган хусусийликларга асосланади. Масалан, “шахс” концепти доирасига кирадиган номинатив бирликларни ботинийи моҳиятига кўра “Х объект билан мунтазам ёки даврий равишда шуғулланувчи шахс”ни номлашдир. Бинобарин “шахс” концепти доирасига мансуб номинатив бирликларнинг кўпчилигида, биринчидан, “шуғулланмоқ” фъелининг предикатив марказ сифатида иштирок этиши, иккинчидан, мазкур предикатга хос объект аргументининг номинатив асос вазифасида қатнашиши, учинчидан эса, номинация жараён орқали предикат субъектини, яъни “шахс” тушунчасини рўёбға чиқариш, алоҳида номлашнинг бош мақсад қилиб қўйилиши билан боғлиқ лингвокогнитив фаолият ўз ифодасини топади. Ўз навбатида, айнан ана пропозитив хусусиятга кўра тиллараро муштаракликни кузатиш мумкин.

Келтирилганлардан маълум бўладики, лексик номинатив бирликлар ботиний моҳиятига кўра тиллараро муштарак бўлиб, бу хусусият миллатидан қатъий назар инсониятнинг когнитив фаолияти бир хил тамойилларга таяниб иш кўришидан далалат беради. Ўз навбатида, тиллараро бу муштараклик ботиний структураларнинг бевосита воқеланишини тақозо этувчи ички лингвистик механизмларнинг изчиллигини таъминловчи типик аналогиялар орқали ҳам кўзға ташланади. Зеро, келтирилган номинатив бирликларнинг

вужудга келиши орқали ана шунда типик механизмларни кузатиш мумкин.

Кейинги йилларда олиб борилган илмий изланишларда турли лингвистик бирликларнинг вужудга келиши орқали кузатиладиган бундай ботиний ва зоҳирий асосли типик механизмлар тадқиқига алоҳида эътибор берилса бошлаган бўлса ҳам, уларнинг кўпчилигида бу масала моҳиятига умумназарий нуқтаи назардан ёндашиш устиворлик қилади. Албатта, тилнинг лингвокогнитив талқинини шакллантириш босқичида бундай йўналишда илмий изланишлар олиб бориш табиий ва зарурий ҳолдир. Зеро, айнан ана шундай умумназарий асосли тадқиқотлар орқали илгари сурилган илмий-назарий ғоялар сўз юритилаётган тамойилни конкрет лингвистик объектлар билан боғлиқ ҳолда талқин этиш усулларининг ишлаб чиқишида ўзига хос пойдевор вазифасини ўтайди. Хусусан, Е.С.Кубрякова, Н.Ф.Алефринко, Е.В. Падучева, А.А.Залезняк каби рус тилшунослари, Ш.Сафаров, А.Э. Маматов каби ўзбек тилшунослари томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар ана шундай эътирофга лойиқдир.

В.М.Солнцевнинг ёзишича, формал қурилиш, яъни модел мураккаб таркибли ҳар қандай тил бирликлариги орқали кузатилади. У ҳар доим тил бирликларининг ортидан соядек эргашиб юради. Модел бир қарашда мураккаб таркибли тил бирликларнинг миқдорига тенгдек кўринса ҳам, аслидан ундай эмас. Чунки, моделалар ҳар доим конкрет тил бирликлари орқали такрорланган ҳолда учрайди. Улар маълум бир чизма асосида автомобиллар серияси ишлаб чиқарилгани сингари бир хил типли тил бирликларини вужудга келтирувчи шаблон ёки клишелардир. Шунинг учун ҳам уларни фонема, морфема ва сўз сингари тил бирликлари қаторига қўшиб бўлмайди (В.М.Солнцев. 1973:189-190).

Бу мулоҳазалар тилнинг номинатив бирликлари, умуман тил ва нутқ бирликлари орқали ўз ифодасини топадиган аналогияларнинг лингвистик мақомини қай тарзда белгилаш керак, деган саволнинг туғилишига сабаб бўлади. Бизнинг назаримизда, бу саволга жавоб топиш учун нутқий фаолиятга мурожаат қилиш лозим. Зеро, юқорида келтирилган мулоҳазалар

аналогик механизмларни вужудга келтирувчи восита ва уларнинг барқарорлигини таъминловчи лингвистик макон ижтимоий нутқий фаолият эканлигидан далалат беради.

2.3. Нутқий фаолият ва аналогия. Нутқий фаолият гарчи В.фон Гумбольд ва Ф. Де Соссюр каби таниқли олимларнинг илмий меросида марказий муаммолардан бири сифатида талқин этилган бўлса ҳам, замонавий тилшуносликда Е.Кубрякова томонидан ҳақли равишда эътироф этилганидек, “марказий объекти бўлган тилга асосий эътибор қаратилгани боис, бу фаолият лингвистик татқиотлар доирасидан ташқарида қолиб келди” ([Е.Кубрякова.1986:7](#)).

В.фон Гумбольдт нутқий фаолиятни ўзининг энг содда шаклида ҳам индивидуал идрокни инсониятнинг умумий табиати билан боғлашга хизмат қилувчи восита сифатида таърифлайди. ([В.Гумбольдт//Хрестоматия.1956:80](#)). Ф.де Соссюр эса лингвистиканинг асосий тадқиқот материални нутқий фаолият ташкил этишини қайд этади (Ф.де [Соссюр.1977:44](#)). У нутқий фаолиятни икки қисмга ажратиб ўрганишини тавсия қилади. Улардан биринчиси ва энг муҳими индивид фаолиятига қарам бўлмаган ижтимоий асосли тил бўлса, иккинчиси, нутқий фаолиятни индивидуал асосида воқелантирувчи нутқдир. Бу икки ҳодиса бир-бири билан чамбарчас бағлиқдир. Чунки, тил орқали нутқнинг тушунарли ва самарали бўлиши таъминланадиган бўлса, нутқ эса тилнинг ҳосил бўлиши учун зарурият ҳисобланади. (Ф.де [Соссюр.1977:57](#)).

В.И.Кодуховнинг таъкидича, нутқий фаолиятнинг ижтимоий аҳамияти сўзловчи томонидан ўз фикри ва ҳиссиётини ифодалашда бефарқ бўла олмаслиги, унинг имкон қадар тил меъёрига риоя қилишга интилиши орқали ўз ифодасини топади ([В.И. Кодухов 1974:170](#)). Меъёр эса тил жамоасининг нутқий фаолияти воситасида шартланган ва ҳар бир индивид томонидан риоя қилиниши шарт бўлган қоидалар мажмидир. Аналогия ҳам туб моҳиятига кўра меъёрийликни намоён этувчи алтернатив воситадир. Аналогияга хос альтернативлик замирида ижтимоий нутқий фаолият воситасида шаклланган

ифода моделларни танлаш имконияти ётади. В.М.Никитевичнинг ишида бундай лингвистик параллеллик синтетик ва аналитик изоморф сифатида намоён бўладиган қуйидаги «*номинатив қатор*» мисолида қайд этилади: *участник – участвующее – лицо участвующее – тот кто участвует* (В.М.Никитевич. 1976: С.12-16).

Ана шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, нутқий фаолият ҳам тарихийлик ва замонавийликни ўзида мужассамлантирувчи фаолият тури бўлиб, бу фаолиятга хос тарихий асос аجدодлардан мерос қолган аналогик механизмларга номинатив ва коммуникатив жараёнларда изчил амал қилиниши мисолида ўз ифодасини топади. Нутқий фаолиятнинг синхрон аспекти бевосита мулоқот жараёнида иштирок этадиган сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги муносабат билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Нутқий фаолият орқали кўзга ташланадиган индивидуал характердаги “ижодий” элемент В.М. Никитевич томонидан қайд этилганидек, маънодир. “Шакл” эса туб моҳиятига кўра автоматик тарзда такрорланувчи сўз, сўз шакл ва жумлалар замирида ўз ифодасини топадиган модел, схемалардир (В.М. Никитевич. 1985:9).

Шундай экан, сўз, сўз шакл ва жумлалар замирида ўз ифодасини топадиган модел, схемаларни тил ва нутқ бирликларининг ортидан “соядек эргашиб юрувчи” аналогик воситалар сифатида тавсифлаш мумкин. Бу воситалар реал ҳолда номоён бўладиган тил ёки нутқ бирликлари орқалигина эмас, балки ана шу бирликларнинг ливокөгнитив асослари бўлган ботиний структуралар орқали ҳам ўз ифодасини топади. Хусусан, стереотип вазиятлар орқали намоён бўладиган ментал структурни тақозо этувчи фрейм, сценарий, скрипт, гештальт сингари намунавий концептуал тузулмалар, туб моҳиятига кўра, аналогик табиатлидир.

А.Э.Маматов томонидан эътироф этилганидек: “Когнитив фан инсон идроки ва тафаккуридек мураккаб феномен ҳақидаги тўлиқ ва адекват тасаввурга эга бўлиш учун турли хил соҳа олимларининг (руҳшунос, мантиқшунос, файласуф, мантиқшунос, тилшунос, математик, кибернетик,

антрополог, дастурловчи ва бошқалар) жамлаган яхлит фикрларини ўрганади. Когнитив тилшунослик эса ана шу жамланган фикрларнинг бевосита тил билан боғлиқлиғни, когнитив ва лисоний структураларнинг муносабатини ўрганади” ([А.Э.Маматов. 2012:212-220](#))

Демак, инсоннинг номлаш номлаш билан боғлиқ когнитив фаолияти борлиқ ва инсон ўртасидаги муносабат орқали кўзга ташланади. Бу муносабат кўп босқичли бўлиб, “моддий оламни ўзлаштиришнинг илк босқичида инсон онгида алоҳида олинган предметнинг образи ҳосил бўлади, кейинги босқичда ушбу предметни фаолият доирасида қўллаш билан боғлиқ ҳаракатлар схемаси юзага келади” ([Ш.Сафаров. 2006:25](#)). Бу схема борлиқ ва инсон ўртасидаги муносабат асосида вужудга келган апперцептив тажрибаларни ишга солишни тақозо этади. Бундан келиб чиқадики, бу фаолиятда хотира алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Бинобарин, ҳар қандай янги билим муқаддам хотирада жамғарилган билимлар захирасига, яъни тажрибага таянилган ҳолда ҳосил қилинади. Тил жамоаси ва вакилларининг ана шундай апперцептив тажрибага муттасил таянган ҳолда фаолият олиб бориши натижасида эса когнитив ва лингвистик асосли стереотип структуралар вужудга келади. Ўз навбатида, бу деривацион ҳодисаларнинг изчил содир бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

УЧИНЧИ БОБ

ЎЗБЕК ВА КОРЕЙС ТИЛЛАРИДАГИ ШАХС КОНЦЕПТИГА ОИД ЯСАМА СЎЗЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

3.1. Шахс концептига мансуб лексик дериватларнинг аналогик табиати. Юқорида инсон томонидан борлиқнинг идрок этилиши концептуаллаштириш, яъни категориялаштириш билан боғлиқ эканлиги айтилди. Ҳар қандай категориялаштириш жараёни эса билиш таъсирига тушган объектларга хос ўхшаш белгиларни қиёсий англаш асосида муайян концептуал тизимга бирлаштиришни тақозо этади. Чунки инсон кундалик ҳаётида дуч келадиган ҳар бир нарса ва ҳодисага кўзи тушганда ана шу ассаиатив тизим воситасида у ҳақида тўлақонли тасаввур ҳосил қилади. Масалан, йўл чеккасида ўсиб турган теракни кўрган кишининг хотирасида дарахт турлари, яъни мевали ва мевасиз дарахтлар ва бу предметни ўсимликлар категориясига мансублиги, ундан қурилиш материали сифатида фойдаланиш мумкинлиги, уни экиб ўстириш билан боғлиқ жараёнлар хотирада жонланади. Ана шундай узвийликлар лексик бирликларнинг концептуал табиатидан далолат беради.

Луғавий бирликларнинг концептуал табиати биргина борлиқни идрок этишга даҳлдор бўлмай, тил тизимидаги ички лингвистик қонуниятларга ҳос умумий ва ўхшаш қонуниятларни идрок этишда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Лингвистик билишнинг бу тарзда кечиши лексик, семантик ва синтактик деривациянинг аналогик табиатли эканлиги орқали яққол кўзга ташланади.

Ўзбек ва корейс тилларида шахс концептига мансуб номинатив бирликлар инсонни турли томондан характерлаш, белги хусусиятларини тавсифлаш, касб-фаолият нуқтаи назардан фарқлаш учун хизмат қиладиган турлича туркумларга мансуб туб ва ясама сўзлардан ташкил топади. Туб сўзлар номинатив жараёнда фаол иштирок этса ҳам, уларнинг ўзи бу жараёни воқеланиш қонуниятларини ўрганишда бевосита асос бўла олмайди. Бироқ туб сўзлар номинатив деривация жараёнини воқелантиришда

операнд сифатида ва лексик бирликларнинг концептуал узвийлиги масаласи талқинида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, лексик бирликларнинг концептуал табиати туб ёки ясамалиги билан эмас, балки маъновий имкониятларига кўра амалга оширилади. Ана шу нуқтаи назардан қаралганда ўзбек ва корейс тилларида шахс концептини ташкил этишда иштирок этадиган лексик бирликларни умумий ва хусусий денататив ифодали бирликларга ажратиш мумкин.

Умумий денататив моҳиятли лексик бирликлар инсонни бошқа жон-зотлар билан қиёсий жиҳатдан тавсифлаш хусусиятига эгалиги билан характерланади. Масалан, ўзбек ва корейс тилларидаги башарият, яъни одам зоти –인류, шахс, яъни аниқ бир киши –인물, одам –이, одам- 아답 каби сўзлар ана шундай хусусиятли бўлиб, улар мазмун маҳиятига кўра ер шарида яшайдиган жон-зотлар каби тирик организмга эга бўлган, бироқ бошқа жонли зотлардан фарқли равишда фикрилаш қобилияти, яъни онгли эканлиги, сўзлаш ва онгли равишда меҳнат қилиш қобилиятига эгалиги, ўзига хос хулқ-атвори, маданияти ва тарихига эгалиги билан “инсоният”, “инсон қавми”га мансублигини ифода этишига кўра ажралиб туради.

Шунинг билан бир қаторда, барча инсонлар ўз диний эътиқодига эга бўлсалар-да, улар инсонлардан юқори турувчи зотнинг мавжудлигини эътироф этишади. Ана шу нуқтаи назарга кўра инсонларни яратувчи, уларга яшаш имконини берувчи илоҳий кучга эътиқод қилишади. Тилларда ушбу эътиқод ифодаси билан боғлиқ алоҳида гуруҳ сўзлар мавжуд бўлиб, ўзбек тилида бундай лексик қатлам сирасига Худо, Оллоҳ, Тангри каби туб шаклдаги сўзлар билан бир қаторда яратган эгам, яратган, эгам, ўзи, яккаю ёлғиз, каби турли бошқа туркумга оид сўзларнинг конверсив қўлланиши орқали ясалган сўзлар ҳам киради. Шунингдек, мазкур гуруҳда илоҳ –영적인, пайғамбар –선지자, мусо пайғамбар –모세, 아담, уламо –리더, фаришта –천사, иблис –악마 каби ясама сўзларни ҳам киритиш мумкин. Чунки бундай сўзлар ҳам шахс концепти билан бевосита алоқадор бўлган лексемалардир. Бироқ улар муайян миллатнинг диний эътиқоди билан

боғлиқлигиа кўра фарқланади. Масалан, корейс тилидаги масихийлар – 그리스도인, олий рухоний – 대제사장, роҳиба – 수녀, муқаддас ота – 성부, муқаддас рух- 성령, каби сўзлар ана шундай хусусиятлидир.

Инсонни характерловчи хусусий маъноли лексик бирликлар қаторига эса, муайян миллатга мансуб инсонларни ифодаловчи миллат номларини киритиш мумкин. Чунки миллат номлари ҳам шахс концепти билан боғлиқ бўлган тушунчаларни ўзида мужассамлантиради. Бу сўзлар нутқда миллатнинг умумий номи сифатида қўлланиши билан бир қаторда, якка шахсни ифодалашда ҳам ишлатилади. Шунинг учун **мўғил – 몽골(인), ўзбек – 우즈베크**каби миллат номларини ҳам шахс концепти доирасига киритиш мумкин.

Муайян миллат таркибига кирадиган кишилар ўртасидаги ички тафовутлар белгилаш мақсадида тилларда, кишиларнинг ҳудудий чегараланиши, диний эътиқоди, қабила ва уруғи, хулқ-атвори, касб-кори, ижтимоий-иқтисодий аҳволи кабилар эътиборга олинади. Бу гуруҳларни ташкил этувчи лексик бирликларнинг аксарияти ясама сўз эканлиги билан ажралиб туради.

Юқорида айтилганидек, сўз ясалиш типи лексик деривация ҳодисасининг замонавий талқинида ясама сўз мақомидаги бирликларларни вужудга келтирувчи интегратив механизм сифатида эътироф этилиши бежиз эмас. Бинобарин, мазкур интегратив механизм ҳақидаги дастлабки назарий қарашлар ўзоқ ўтмиш билан боғлиқ бўлиб, тилшунослик тарихида бу масала тилга хос аналогик тамойил сифатида кенг муҳокама қилинганлиги В. фон Гумбольдт ва Ф.де Соссюр изланишлари мисолида юқорида айтилди.

Ана шу мулоҳазалар сўз ясалиш типлари лексик деривация жараёнининг системали воқеланишида муҳим бўладиган асос сифатида қайд этиш имконини беради. И.С.Улуханов бу хусусида қуйидагиларни қайд этади: «Сўз ясалиш типи - ясалиши жиҳатидан бир хил бўлган ҳосилаларнинг формал-семантик структурасини акс эттирувчи абстракт схемадир. Мазкур

схема а) сўз ясовчи асос мансуб бўлган туркум, б) ясма сўз ва ясовчи ўртасидаги семантик муносабат, в) ясма сўз ва ясовчи ўртасидаги формал муштараклик орқали белгиланади» (И.С.Улуханов. 1977:11).

А.Н.Тихонов ва А.С. Пардаевлар томонидан бу масала талқини сўз ясалиш структураси тавсифи билан боғлиқ ҳолда қайд этилади: «Сўз ясалиш структураси на фақат алоҳида олинган янги сўзнинг семантик-структур таркибини, балки унадан аввал вужудга келган ясама сўзлар тизимидаги синхрон ясалишга дахлдор ҳодисаларга хос деривацион тарихни белгилашда муҳим бўлган восита ҳисобланади» (Тихонов А.Н., Пардаев А.С.1989:20).

А.Ҳожиёвнинг изланишларида эса, сўз ясалиш типи лексик дериватларга хос семантик ассоциативликни вужудга келтирувчи асос сифатида талқин этилади: «Маълум бир лексик-семантик гуруҳга оид сўзлардан муайян бир сўз ясовчи ёрдамида ҳосил қилинган, бир хил сўз ясалиш маъносига эга бўлган сўзлар сўз ясалиш типини ҳосил қилади. Муайян тилнинг ўзаро алоқа (муносабат)даги сўз ясалиш типлари сўз ясалиш тизими»ни тақозо этади (Ҳожиёв А. 2007:39-42).

Келтирилганларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, сўз ясалиш типи ясама сўз мақомидаги луғавий бирликлар замирида ўз ифодасини топадиган типик формал ва семантик структур барқарорликни намоён этувчи интегратив механизм бўлиб, айнан ана шундай типик механизмлар туфайли лексик деривация жараёни бевосита тилда содир бўлувчи ҳодиса мақомига эга бўлади. Шунинг учун ҳам сўз ясалиш типи лексик деривацион тизимини белгилашда марказий восита сифатида хизмат қилади. Бироқ, шу ўринда таъкидлаш лозимки, сўз ясалиш типи асосида кузатиладиган тизимли муносабат сўз ясалишига хос умумий тизимини эмас, балки умумий тизим таркибида амал қилувчи микротизимларни тақозо этади. Зотан, сўз ясалишига хос изчилликни таъминловчи бу каби интегратив механизмлар замирида формал-семантик муштараклик асосида муайян бир узвийликка эга бўладиган ясама сўзлар парадигмаси ётади. Хусусан, корейс ва ўзбек тилларида шахс

маъносини билдирувчи отларнинг ясалиши мисолида ана шундай типик механизмларни кузатиш мумкин.

3.2. Шахс концептига мансуб лексик дериватларни вужудга келтирувчи формантлар таҳлили. Маълумки, ўзбек тилида шахс оти ясовчи энг фаол деривацион операторлардан бири –чи формантидир. Шуниси характерлики ушбу модел ички хусусиятига кўра муайян бир касб билан шуғулланувчи шахс концептига оид бўлган бошқа тилларга мансуб тушунчаларни таржима, яъни калкалаш асосида кўчиришда ягона аналогик механизм вазифасини ўтайди. Масалан, рус тилида ясалган ясамаларнинг асос+чи модели ёрдамида муқобиллаштирилган қуйидаги типлари ана шундан далолат беради:

1) рус тилидаги **-ист** формантли дериватларнинг *от+чи* типига калкаланиши асосида қуйидаги подтиплар ҳосил бўлган: **а)** спорт соҳасига оид шахс отларининг калкаси асосида: *волейболист - волейболчи, баскетболист - баскетболчи, футболист – футболчи, теннисист - теннисчи; б)* илим-фан, сиёсатнинг турли соҳа ва йўналишларига мансуб шахс отларининг калкаси асосида: *дарвинист - дарвинчи, мечуринец - мичуринчи, монархист-монархиячи, фольклорист - фолклорчи, энциклопедист - энциклопедиячи; в)* турли механизмларни бошқариш ва таъмирлаш сингарилар билан шуғулланувчи шахс отларининг калкаси асосида: *тракторист - тракторчи, машинист - машиначи, бульдозерист -бульдозерчи, моторист - моторчи, мотоциклист - мотоциклист, телефонист – телефончи; г)* асосдан англашилган мусиқа асбабини чалиш билан шуғулланувчи шахс отларининг калкаси асосида: *гармонист – гармончи, аккордеонист – аккордеончи, пианист – пианиночи, гитарист –гитарачи; д)* ҳарбий соҳага доир шахс отларининг калкаланиши асосида: *террорист – террорчи, парашютист – парашютчи, гвардист – гвардиячи, артеллерист - артеллериячи ва б.*

2) рус тилидаги **-щик// -чик** формантли шахс отларининг ўзбек тилидаги *от+чи* типига калкаланиши асосида: *барабанищик –барабанчи, буфетчик – буфетчи, газетчик – газетачи, гранатаётчик – гранатаётчи, динамитчик – динамитчи, штаповищик – штаповкачи, нивелировщик - нивелировкачи,*

фрезеровщик – фрезеровкачи кабилар;

3) рус тилидаги **–ник** формантли шахс отларининг ўзбек тилидаги *от+чи* типда калкаланиши асосида: *колхозник – колхозчи, фокусник – фокусчи, печник – печкачи* кабилар;

4) рус тилидаги **–ант** формантли шахс отларининг ўзбек тилидаги *от+чи* типда калкаланиши асосида: *музикант – мусиқачи, фабрикант – фабрикачи, практикант – практикачи // амалётчи* кабилар;

5) рус тилидаги **–арь** формантли шахс отларининг ўзбек тилидаги *от+чи* типда калкаланиши асосида: *аптекарь – аптекачи // дорихоначи, библиотекарь – библиотекачи // кутубхоначи* кабилар ҳосил бўлган.

Мазкур формант ёрдамида от, сифат, сон ва ҳаракат номидан отлар ясалади: *ов+чи, иш+чи, аъло+чи, ёлгон+чи, икки+чи, кураш+чи, ўқув+чи*. Бу каби лексик дериватлар умумий моҳиятига кўра шахс оти маъноси доирасида бирлашса ҳам, ўзига хос формал-семантик хусусиятлари билан бир неча ички парадигмаларни ташкил қилади:

1) касб, мутахассислик билан шуғулланувчи шахс отлари: *нефтчи, спортчи, қўшиқчи, бўзчи, ҳисобчи, тункачи, тилчи*;

2) асосдан англашилган ҳаракат ва ҳодисада иштирок этувчи шахс отлари: *жангчи, исёнчи, ҳашарчи*;

3) асосдан англашилган ҳаракат ва ҳодиса билан шуғулланувчи шахс оти: *республикачи, ҳимоячи, хабарчи* кабилар шулар жумласидандир.

Келтирилган деривацион парадигмаларда ўз ифодасини топадиган ҳосилаларни формал-семантик жиҳатдан умумий тип сифатида баҳолаш мумкин бўлса-да, бу билан шахс маъносини ифодаловчи деривацион типлар тизими ўз ниҳоясига етмайди. Чунки, бу парадигмаларга мансуб ҳар бир лексик дериват ўзига хос ички типлар асосида ҳам тизимли муносабатга киришади ва бу уларнинг формал-семантик структурасида ўзига хослик касб этади. Фикр далили сифатида биргина касб, мутахассислик билан шуғулланувчи шахс отларини ана шу нуқтаи назардан таҳлил қиладиган

бўлсак, ушбу макропарадигма таркибида қуйидаги микропарадигмаларнинг амал қилишига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин:

а) бирор турдаги чолғу асбобини профессионал даражада чапиш билан шуғулланувчи шахс отлари ясалади. Бундай лексик-семантик гуруҳга мансуб дериватларнинг вужудга келишида муайян чолғу асбобини ифодаловчи сўз деривацион операнд сифатида иштирок этади. –чи операнди эса мазкур асосга «шахс» семасини киритиш учун хизмат қилади: *чанг+чи, най+чи, гижжак+чи, сурнай+чи, карнай+чи, ногара+чи...*;

б) спортнинг маълум бир тури билан профессионал даражада шуғулланувчи шахс отлари ясалади. Бундай лексик-семантик гуруҳни ташкил этувчи дериватларнинг вужудга келишида муайян спорт турини ифодаловчи сўз деривацион операнд сифатида иштирок этади. –чи операнди воситасида эса деривацион операнд «шахс» маъносига эга бўлади: *боқс+чи, футбол+чи, баскетбол+чи, волебол+чи, теннис+чи, гимнастика+чи ...*;

в) қурилишда бирор касб-хунар билан шуғулланувчи шахс отлари ясалади. Бундай лексик-семантик гуруҳга мансуб лексик дериватларнинг вужудга келишида қурилиш учун зарур бўлган ашёларнинг номлари деривацион операнд сифатида иштирок этади ва –чи операнди воситасида операнд «шахс» маъносига эга бўлади: *лойиҳа+чи, бетон+чи, лой+чи, пахса+чи, сувоқ+чи, пардоз+чи...* ва.х.

Лексик деривация жараёнига хос худди шунингдек типикликни корейс тилида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, Ю.Н.Мазур томонидан чоп этилган «Корейс тилининг грамматикаси»да шахс концептига мансуб қуйидаги аффикслар қайд этилади (Мазур Ю. Н. 2004.:165):

1. **-чэньи** аффикси. Бу аффикс воситасида қуйидагича отлар ясалади:

а) деривацион асосдан англашилган насага оид касб билан шуғулланувчи шахс оти ясалади: *анкйон + чэньи* – кўзойнак таъмирловчи, *ттэм + чэньи* – пайвандчи, мисгар, *чхил + чэньи* – бўёқчи, *тэчань + чэньи* – темирчи, *(л)ипал + чэньи* – сартарош, *куту + чэньи* – этикдўз;

б) - чэнъи форманти воситасида яна қўйидаги касб-ҳунарлар билан шуғулланувчи шахс отлари ясалади: *ёсул + чэнъи* – кўзбойловчи, фокусчи, *масул + чэнъи* – сеҳиргар, жодугар, *чунъэмэ + чэнъи* – совчи, *чхим + чэнъи* – игна билан даволовчи табиб;

в) -чэнъи форманти билан бирор бир нарсага ружу қўйиш, доимий машғул бўлиш асосида салбий хусусиятга эга бўлган шахс отлари ҳам ясалади: *апхйон + чэнъи* – нашаван, *ёксим + чэнъи* – хасис, *конъпу + чэнъи* – ғийбатчи, иғвогар каби лексик дериватлар шулар жумласидандир.

Келтирилган тил фактларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, ҳар иккала тилда лексик дериватларнинг вужудга келишида муайян ўхшашлик мавжуд. Бу ўхшашлик, аввало, деривацион жараёни воқелантирувчи компонентлар муносабатининг операнд + оператор = дериват модели асосида рўёга чиқиши орқали кўзга ташланади. Айнан ана шу муштараклик мазкур тилларда концептуал жиҳатдан умумий бўлган шахс отларининг ясалиш изчиллигини таъминловчи аналогик типларнинг амал қилиш принципларида ҳам умумийликнинг юзага келишига асос бўлади.

2. асос + 자 (ча) моделида ясалган шахс концептига доир отлар: *기술+ 자* (санъатчи), *과학+ 자* (-ёзувчи), *학+ 자* (-олим); *기+ 자* (журналист), *노동자* (ишчи), *공급자* (ёрдамчи), *경기자* (ўйинчи), *문학자*, *준비자* (адабиётчи), *조정자* (даллол, воситачи), *수출업자* (экспортчи), *거지* (тиланчи), *약탈자* (тиланчи), *탑승자* (йўловчи) каби шахс отлари мавжуд.

3. Шунинг билан бир қаторда, 자 ясовчиси *чаым+ча* «унлиларни ифодаловчи», *моым+ча* «ундошларни ифодаловчи» каби терминларнинг ясалишида ҳам ишлатилади. Шу хусусиятига кўра 자 ясовчиси ўз омонимига эга бўлган морфемадир.

4. Асос + 가 (ка) моделида ясалган касб, ҳунар, машғулот номлари билан боғлиқ шахс отлари: *음악가* (қўшиқчи), *작가* (ёзувчи), *정치가* (сиёсатчи), *번역가* (-таржимон), *건축가* (қурувчи), *연구가* (тадқиқотчи), *사가* (тарихчи) кабилар шулар жумласидандир.

5. Асос +ㅅ (са) моделида қуйидаги шахс отлари ясалади: *컴+ㅅ (комса – қарор чиқарувчи)*, *걸+ㅅ (кёса – ўқитувчи)*, *미/웁+ㅅ (миёнгса – юз безатувчи)*, *사진 ㅈ+ㅅ (сажин киса – суратчи)*, *투ㅅ (жангчи)*, *세/무ㅅ (ҳисобчи)*, *회/계ㅅ (ҳисобчи)*.

Қайд этиш лозимки корейс тилида асос +ㅅ (са) аффикси бир неча омонимларга эга бўлиб, бу омонимлар қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

а) мутахасис маъносидаги шахс отлари ясайди: *пхэнса (учувчи)*, *хакъконъса (авиациячи)*, *чочонъса (штурман)*, *пйонхоса (оқловчи, адвокат)*;

б) бирор касб-ҳунар билан шуғулланувчи шахс отларини ясайди: *(л)ипалса (сартарош)*, *сачинса (сураткаш, фотограф)*, *тхукиса (чайқовчи) каби*;

в) бирор жамият ва компания номларини яшашда иштирок этади: *чоксипчаса (қизил хоч жамияти)*, *тхонъсинса (телеграф агентлиги)*;

г) тарих билан боғлиқ босқичларга оид ясама отлар яшашда иштирок этади: *котэса (энг қадимги тарих)*, *сейеса (умумий тарих)*, *Ханкукса (корейя тарихи)*;

д) морфема ва унинг турларини яшашда иштирок этади: *чопмиса (суффикс)*, *чуптуса (перепфикс)*;

е) сўз ва унинг лингвистик типларини ифодаловчи терминларнинг ясалишида иштирок этади: *хйонъёнъса (сифат)*, *чончхиса (предлог)*, *чопсакса (боғловчи)* (Мазур Ю. Н. 2004.:199);

Келтирилганлардан маълум бўладики, ҳозирги корейс тилида шахс концептига мансуб ясамаларнинг кўпчилиги *асос + ㅅ (ча)*, *+ㅅ (са)*, *+ㅈ (ка)* аффикслари ёрдамида ҳосил қилинади. Ўзбек ва корейс тилларида шахс концептига мансуб ясама отларнинг барчаси тўлалигича типологик ўхшаш деб бўлмайди. Чунки ўзбек тилидаги шахс концептига мансуб аффиксация усули билан ясалган айрим отлар корейс тилида кўшма сўз шаклида ифодаланади. Масалан ўзбек тилидаги *адабиёт+шунос*, *тил+шунос*,

тарих+шунос, ўлка+шунос каби ясамалар корейс тилида иккита мустақил сўз билан ифодаланади: 역사 교수 (ёкса кёсу) тарих фани мутахассиси, 수학 교수 (суҳак кёсу) математика фани мутахассиси, 철학 교수 (чорак кёсу) фалсафа фани мутахассиси каби.

Ю. Н. Мазурнинг қайд этишича, 수 (су) қўшимча сифатида ҳам қўлланиш хусусиятига эга бўлиб, у маъносига кўра рус тилидаги –ка, –чик, –тел каби ясовчиларга мос келади (Мазур Ю. Н. 2004.:199). Ўз навбатида бу формантлар ўзбек тилидаги –чи аффиксига монанддир. Масалан, унчонсу – хайдовчи, шафёр, кёхвансу – коммутатор, телефонистка, 선수 - ўйинчи, 적수 - баксчи, 간수 - қамоқхона қўриқловчиси, 교수 - мураббий, 목수 - дурадгор, 선수 - спортчи, 원수 - давлат бошлиғи кабилар шулар жумласидандир (Мазур Ю. Н. 2004.:209);.

6. Корейс тилида ўзбек тилидаги асос + чи модели билан муқобил бўлган асос + 인 (ин) билан ҳам шахс концепт доирасига мансуб ясама сўзлар ҳосил қилинади. Масалан: айбланувчи – 피고인 , воситачи - 중재인 , маърузачи - 대변인 , сотувчи – 상인 , хизматчи – 하인 , ҳарбий хизматчи – 군인 , жиноятчи – 범인 , хўжайин – 주인, аскар – 병사, 무인, қария – 늙은이, 노인, 상속인-ворис, меросхўр, 상인-дўкандор кабилар шулар жумласидандир.

Шуниси характерлики, корейс тилидаги асос + 인 модели жой номларини билдирувчи сўзларга қўшилганда “Х жойда шовчи шахс” маъносидаги шахс отларини вужудга келтиради. Шу хусусиятига кўра мазкур модел ўзбек тилидаги асос + лик типига мос келади: Масалан: Чосон+ин, хонкук+ин (корейлик), илпон +ин (япониялик), микук+ин (амарикалик), 몽골인 (мўғилистонлик), 우즈베크인 (ўзбекситонлик) каби .

Корейс тилларидаги бир қатор шахс маъносини билдирувчи ясама отлар моҳиятан ўзбек тилидаги асос + дош моделига мос келади. Масалан: жамоадош – 팀원, мактабдош – 동교생, синфдош – 클래스메이트, тенгдош – 동갑 кабилар шундай типлидир. Шунингдек ўзбек тилидаги асос + кор деривацион моделига мос келадиган шахс отлари ҳам мавжуд. Масалан:

хизматкор – 노예, тежамкор – 절약, ижодкор – 구세주, ҳиссадор – 주주, харидор – 고객, қарздор – 채무자, нажоткор – 구세주, ватандош – 동포.

Хулоса қилиб айтганимизда корейс ва ўзбек тилларига оид шахс концептига мансуб ясама сўзлар ҳар бир тилнинг ички хусусиятидан келиб чиқилган ҳолда кишиларни касб-кори, мутахассилиги, турли машғулот, хулқ атори билан боғлиқ ҳолда номлашга хизмат қилади. Бу типдаги отларнинг ясалиши ички жиҳатдан ўхшаш бўлиб, бу ўхшашлик ҳар иккала тилда ҳам шахс концептига мансуб ясамаларнинг махсус ясовчи қўшимчалар билан ясалиши ва уларнинг актив ва пассивлиги кўра фарқланиши, аналоик қонуниятга таяниши кабилар орқали кўзга ташланади. Ишга илова сифатида шахс концептига мансуб туб ва ясама сўзларнинг айримларини лексик-тематик гуруҳларга ажратган ҳолда келтирамиз:

1. Шахсни умумий тарзда ифодаловчи сўзлар: одам – 이, одам – 인간, одамзот, башарият – 인류, 노인-, шахс – 인물, эркак киши – 그이, қари аёл – 노파, гўдак – 아기, чақалоқ – 소아, бола – 아가=아기, 아동, 아이, 어린이, ўғил – 어머니, 자녀들, қиз – 딸, 부모님, қария – 늙은이, 노인, катта қария – 반석;

2. Қариндошлик, яқинликка оид сўзлар: ота – 아버지, 자녀들, она – 어머니, 자녀들, эр – 남편, 아내, хотин – 마누라, бобо – 할아버지, сонзиде, фарзанд – 자식, ака- 딸, 부모님, ука – 동생, 남동생, она – 여동생(누나), 오빠(남동생), тоға – 삼촌, 조카, 외삼촌, амакивачча – 사촌, 사촌누나(동생, жиян – 조카, 숙모(이모), келин – 며느리, 시어머니, оила бошлиғи – 가장-가장주부, аёл турмуш ўртоғи – 계집, қариндош – 친척, уй бекаси – 가정, оила – 가구(집, 가문, 가정, почча – 매형;

3. Турли соҳага оид касб-хунар, мутахассилик номлари:

а) таълими-тарбия соҳасига доир сўзлар: ўқитувчи – 선생님, ўқувчи – 초등학생, ўқитувчи – 교사, шахсий ўқитувчи – 가장교사, ўқитувчи, устоз, мураббий – 교사, 경험많은교사(문학표현), тарихчи – 역사가, талаба – 학생, навбатчи – 당번, амалётчи – 수습생, маърузачи – 대변인, 대표자, шогирд-제자, тадқиқотчи – 연구가, талаба – 학생, 교장-мактаб мудури, 박사-фан доктори, 공학박사-муҳандислик доктори, 문학박사-ижтимоий фан ва адабиёт доктори, 의학박사-тиббиёт доктори, 수습생-амалиётчи;

б) ҳарбий соҳага оид терминлар: полковник, зобит – 대령, адютант – 부관, генерал – 장, генерал майор – 소장, бош қумондон – 대장(군대 등, катта лейтинант – 소위, катта сержант – 상사, майор – 소령, асир – 작품, аскар – 병사, муин, жангчи – 투사, ёлланма аскар – 사병, оддий аскар –

줄병, ҳарбий хизматчи – 군인, 군사-аскар, 군인-аскар, 법무관- харбий судья, 병사-аскар, 대장-генерал 대장-қўмондон, 무사-аскар, 무인-аскар, 상사- катта сержант, 사단장-армия командири, 사령관-командир,

в) спорт соҳасига доир терминлар: устоз тренер – 선생, 사부, тренер – 코치, захирадаги ўйинчи – 보궐선수, шиқибоз - 편, 구경꾼, 관객, баксёрлар - 적, 적수, жамоадош – 텡원, 관객-томошабин, 교수-мураббий, 경쟁자-рақиб 수위-дарвозабон, 선수-спортчи, 스포츠맨-спортчи , рефере – 심판원, ўйинчи - 선수, 경기자;

г) ҳуқуқшуносликка доир термин ва сўзлар: айбловчи – 고소인, судия - 재판관, 법관, 판사, айбланувчи – 피고인, қонунчи - 법, 룰, 검사-прокурор, 범인-жиноятчи, 법과-судья, 판사-судья, 변호사-адвокат, 검사-прокурор, 뺑-ҳимоячи, 사법-судья ва прокурор, гувоҳ – 지사, маҳбус – 죄수, зиндонбон, назоратчи - 교도관, 감금하는 사람, 경찰-милиция

д) турли соҳаларга доир касб-хунар номлари: воситачи, даллол - 중재인, 조정자, таъминотчи - 공급자, 준비자, адабиётчи – 문학자, археолог – 고고학적, бош консул – 총영사, бош котиб – 사무총장, бошлиқ – 우두머리, бошловчи – 초보자, брокер – 브로커, вилоят ҳокими – 지사, деҳқон – 농부, диктор – 아나운서, кинначи - 마녀, 마법, фолбин - 제식, 제의, 의식, мўлла - 이슬람 종교지도자, гадо – 가난한, журналист - 가까운) 친구, мусаввир – 화가, муҳандис – 엔지니어, 기술자, ижодкор – 구세주, сайёҳ – 여행자, сотувчи - 장사꾼, 상인, қароқчи – 산적, безори – 폭력배, пират – 해적, фахрий – 원로, оқсоқол – 장로, редактор - 원자로, муҳаррир, ёзувчи – 주필, революциячи – 군사국, тадқиқотчи – 연구가, тафтишчи – 검사관, тежамкор – 절약, хизматчи – 하인, ҳитобчи – 세무사, 회계사, ҳиссадор – 주주, шоир - 구호(외침, 슬로건), 표어, 시인, экспортчи – 수출업자, элчи – 사절, қутқарувчи – 구세주, оқимга даъватчи – 인도자, бошқарувчи – 돕는자.

Умумий хулосалар

Воқеликдаги предмет ва ҳодисаларни билиш, идрок этиш бир қатор мантикий ва руҳий ҳаракатлар билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Бу фаолиятнинг дастлабки босқичини маълум бир объектнинг бошқа объектлардан фарқлаш амали ташкил қилади. Кейинги босқичда эса, фарқловчи белгиларни чоғиштириш асосида объектнинг ҳиссий образи юзага келтирилади. Навбатдаги босқичда ҳосил қилинган ҳиссий образ инсон хотирасидаги бошқа рамзлар билан таққосланган ҳолда, умумлаштирилади. Ана шундай ментал ҳаракатлар асосида когнитив структуралар (тафаккур фаолиятининг қисмлари), яъни объектнинг концептуал асоси бўлган тушунчалар шаклланади.

Концепт инсон онгидаги ментал ва руҳий асосга эга бўлган захира бўлиб, унинг замирида турли таркибдаги билим ва тажрибалар кванти, умумлашмаси ўз ифодасини топади. Концепт доимий барқарор бўлмай, у ўзлаштириладиган билимлар ҳисобига ўзгариб туради.

Концепт борлиқдаги объектларни билиш, англаш жараёнида инсон онгидаги миллий дунёқараш, индивидуал билим-савия, тасаввур каби психофизиологик омиллар билан боғлиқ ҳолда ўзига хос ассоциатив яхлитлик ташкил қилади. Бундай концеплар ижтимоий концеплар бўлиб, уларнинг лингвистик ифода усуллари, яъни механизмлари орқали лингвистик концепт ўз ифодасини топади. Ҳар икки ҳолда ҳам концептуал жараён, бир томондан, сўзловчининг индивидуал тажрибаси, иккинчи томондан эса, ижтимоий тажриба билан алоқадорлик касб этади.

Тажриба – нарс ва ҳодисаларнинг моҳиятини очиш шароитида қайтадан ҳосил қилиш ва кузатишга имкон берадиган жараён бўлиб, ҳодисаларнинг хилма-хил шароитларда тадқиқ қилиш, уни айтиш бир ҳолатда ва бошқа ҳолатларда истаганча такрорлаш, айрим бўлақларга бўлиш мумкин бўлган ижодий жараёндир. Тажриба эмперик ва рационал усулларда олиб борилиши мумкин. Эмперик тажриба объектни бевосита кузатиш асосида келинган хулосаларга таянади. Рационал усулга кўра инсон бевосита

кузатишдан ташқари объект ҳақидаги ҳиссий, идрокий асосда келинадиган хулосаларга ҳам таяниш маъқул кўрилади.

Тажрибанинг бу икки усули европа олимлари томонидан ўтган асрнинг бошларида кенг муҳокама қилинган бўлса, Шарқда, хусусан, бизнинг аждодларимиз томонидан бу масала муҳокамаси Беруний, Фаробий ва Ибн Сино каби буюк алломаларнинг ижодида кузатилади. Масалан Ибн Синонинг фикрича, сезиш ўзгарувчанликни, тафаккур ўзгармас боғланишларни белгилаб беради. Сезиш аксиденсияларини, тафаккур субстансияни билишга хизмат қилади. Ниманики билмоқчи бўлсак, муқаддам жамғарилган билим эвазига амалга ошади.

Буюк бобокалонимиз томонидан эътироф этилган бу қонуният XX асрнинг бошларига келиб рус тилшуноси А.А.Патебния томонидан лингвистик тажриба жараёнида муҳим бўлган ички форма ҳақидаги таълимотида кенг қўлланилган. Унинг тавсифига кўра, ички форма инсоннинг фикрлаш фаолиятига хос қуйидаги босқичлар асосида вужудга келади: дастлаб, инсон томонидан объектив борлиқ (предмет) кузатилади, сўнгра унга хос муҳим белгилар (ички форма) аниқланади ва шу асосида нарсанинг ҳиссий образи шаклланади, ҳиссий образ тасаввурни вужудга келтиради, тасаввур эса муқаддам эришилган тажрибалар асосида янгисининг вужудга келишига, яъни *анперцепция*га таянади, энг сўнгги босқичда нарса ҳақидаги ички мушоҳада ва тушунча (мушоҳаданинг мажмуи) пайдо бўлади.

Бу мулоҳазалар борлиқ – инсон – тил ўртасидаги муносабатни идрок этишда муҳим бўлганидек, инсоннинг билиш жараёнида муттасил амал қилувчи концептуал механизмлар, хусусан, лингвистик концептнинг аҳамияти ҳақида тасаввурга эга бўлишда ҳам аҳамиятга эга бўлади. Чунки ҳар қандай ҳолда ҳам борлиқ ҳақидаги билим ва тажрибалар инсон онгида тилнинг лексик бирликлари воситасида жамғарилади. Тилнинг лексик бирликлари эса, туб моҳиятига кўра ментал лексиконни ташкил қилади.

Ментал лексикон концептнинг онгдаги мажмуи бўлиб, у тилдаги сўзлар ва улар билан боғлиқ грамматик қоидаларнинг идрокий мажмуидан

ташқил топади. Шунинг учун ҳам тилни ўрганиш ундаги концептуал тизимни ўзлаштириш демакдир. Ўз навбатида, ҳар қандай лексик концепт сўзларнинг номинатив функцияси орқали тартибга солинади ва бошқарилади. Чунки нарс ва ҳодисалар, белги ва миқдор, ҳаракат ва ҳолат кабилар ўртасидаги концептуал узвийлик уларнинг номинатив функцияси орқали англанади. Тилларида номинатив вазифани рўёбга чиқарувчи бирликлар икки турли бўлиб, улар бирламчи ва иккиламчи типларга ажралади. Бирламчи номинация тилда аввалдан мавжуд бўлган туб сўзлар орқали намоён бўлади. Масалан, ўзбек ва корейс тилларидаги: *ота* - 아버지, *занивл*, *она* - 어머니, *занивл*, *ўғил* - 어머니, *занивл*, *қиз* - 딸, *буомни*, *ака*- 딸, *буомни*, *ука* - 동생, *напдосн*, *она* - 여동생(누나), *оппа*(남동생, *бобо* - 할아버지, *сонзавл*, *тоға* - 삼촌, *жока*, *висамчон* каби шахс концептига мансуб сўзлар бирламчи номинантлардир.

Бирламчи номинатив бирликлар табиатан мутлақ дахлсиз бўлиб, улар тил эгаларига қандай шаклда етиб келса, шу шаклда қўлланади. Бирок уларнинг ички формаси, яъни маъно томони ўзгартирилиши, кенгайтирилиши ёки торайтирилиши мумкин. Масалан, қадимги даврларда *ота* // 아버지 сўзи “дунёга келтирувчи эркак жинсига мансуб шахс” тушунчасини ифодалаган бўлса, кейинги даврдаги ижтимоий–иқтисодий муносабатларнинг мураккаб тус олиши натижасида бу сўз “дунёга келтирувчи эркак жинсига мансуб шахс” тушунчасидан ташқари “фарзанд тарбияси, унинг таълим олишига, иқтисодий жиҳатдан таъминланиши, соғлом бўлиб улғайиши, касб-ҳунар эгаллаши, оила қуриши, маиший турмуш шароитига эга бўлиши ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлишида масъул шахс” каби қўплаб қўшимча масъулиятларнинг юкланиши натижасида семантик жиҳатдан кенгайганлиги кузатилади. Бу қўшимча масъулиятлар ўзбек ва корейс халқларининг миллий маданиятида бирдик кузатилади. Бирок европа халқларининг маданиятида шарқ халқларида кузатиладиган бу семантик кўрсаткичларни тўлалигича мавжуд деб бўлмайди.

Гарчи бирламчи лексик бирликлар ўтган аجدодлардан мерос сифатида қабул қилиб олинадиган формал жиҳатдан дахлсиз бирликлар бўлса ҳам, улар давр тараққиёти талабига мос равишда ҳамда ижтимоий нутқий фаолиятда аввалдан амал қилиб келган апперцептив қонуниятни тақозо этувчи концептуал аналогияларга таянган ҳолда хилма – хил синтагматик комбинацияларда иштирок этиши мумкин. Ана шу жиҳат бирламчи лексик бирликларни иккиламчи ўзгариши, янглиланиши учун асос сифатида баҳоланишига сабаб бўлади. Бирламчи лексик бирликларнинг иккиламчи ўзгариши эса бевосита лексик деривация асосида орттирилган тажрибаларга таянилади. Хусусан, лексик деривациянинг ана шундай таъсирини қуйидаги ясама сўзлар мисолида кузатиш мумкин: *거지* – тиланчи, *건축가* – меъмор, вилоят ҳокими – *지사*, ўйинчи – *선수*, *경기자*, маърузачи – *대변인*, *대표자*, тарихчи – *사가*, тафтишчи – *검사관*, оқсоқол – *장로*, *가입자*-қатнашувчи

Бу каби номинатив бирликларнинг вужудга келиши ҳар бир тилда амал қилиб келадиган аналогик қонуниятларга бориб тақалади. Аналогия эса тил ва нутқда содир бўладиган ҳар қандай регуляр модификация мисолида кўзга ташланади. Зотан, бу ҳодиса муттасил тақлид қилиш мумкин бўлган лингвистик андозаларни тақозо этади. Бундай андозаларни сўз ясалишида концептуал табиатли бўлиб, улар воситасида муайян концептга мансуб иккиламчи луғавий бирликлар вужудга келтирилади. Ўзбек ва корейс тилларидаги шахс концептига мансуб ясама сўзларнинг вужудга келиши ҳам ана шундай аналогик формаларга таянади. Шу хусусиятига кўра қиёсланаётган тиллар ўхшашдир.

А.Раҳимовнинг қайд этишича, ўзбек тилида шахс концептга мансуб сўзларнинг аксарияти асос+чи, асос +дош аналогик модели ёрдамида ясалади. Масалан, *чанг+чи*, *най+чи*, *ғижжак+чи*, *сурнай+чи*, *карнай+чи*, *ноғара+чи*// *синфдош*, *мактабдош*, *курсдош*, *тнгдош*... Асос + паз, -хўр, -шунос,- каш кабилар эса тожик тилидан ўзлаштирилган моделлар бўлиб, улар асли қўшма сўзларнинг ўзбек тилидаги асос+чи модели орқали қайта шакллантирилган, яъни содда сўзга айлантирилган типларидир..

Корейс тилида шахс концептига мансуб ясама сўзларни вужудга келтирувчи аналогик формалар бир нечата бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

а) асос+**-чэньи** аффикси ёрдамида: **анкйон + чэньи** – кўзойнак таъмирловчи, **ттэм + чэньи** – пайвандчи, мисгар, **чхил + чэньи** – бўёқчи, **тэчанъ + чэньи** – темирчи, **(л)ипал + чэньи** – сартарош, **куту + чэньи** – этикдўз;

б) асос + **자** (ча) моделида: **기술+자** (санъатчи), **과학+자** (-ёзувчи), **학+자** (-олим); **기+자** (журналист), **노동자** (ишчи), **공급자** (ёрдамчи), **경기자** (ўйинчи), **문학자**, **준비자** (адабиётчи), **조정자** (даллол, воситачи), **수출업자** (экспортчи), **거지** (тиланчи), **약탈자** (тиланчи), **탐승자** (ўёловчи) каби шахс отлари ясалади.

в) асос + **가** (ка) моделида: **음악가** (қўшиқчи), **작가** (ёзувчи), **정치가** (сийёсатчи), **번역가** (-таржимон), **건축가** (қурувчи), **연구가** (тадқиқотчи), **사가** (тарихчи) кабилар.

г) асос + **사** (са) моделида: **결+사** (комса – қарор чиқарувчи), **결+사** (кёса - ўқитувчи), **미용+사** (миёнгса – юз безатувчи), **사진 기+사** (сажин киса - сураатчи), **투사** (жангчи), **세무사** (ҳисобчи), **회계사** (ҳисобчи).

Қиёсланаётган тилларда бу рўхатни янада мукаммаллаштириш мумкин. Бироқ бизнинг ушбу ишдан кўзлаган мақсадимиз лексик бирликларнинг концептуал хусусиятларини лексик деривация мисолида ўрганиш бўлгани боис, содда ясама сўзлар таҳлили билан чегараландик. Келтирилган шу далларнинг ўзиёқ, немис тилшуноси В.фон Гумбольдтнинг: “Тилда ҳалигача бирорта янги бирлик ихтиро этилган эмас. Бунинг боиси тилдан фойдаланиш ҳамиша унда аввалдан амал қилиб келган формалардан фойдаланишни тақозо этади. Зеро, бу формалар нутқ жараёнида муайян ўзгаришга учраса ҳам, бу ўзгаришлар тил аналогиясидан ташқарига чиқиб кета олмайди», - деган фикрини тўлалигича исботлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. Юксак маънавият–енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2009. 176.
1. Апресян Ю.Д. Идеи и методы структурной лингвистике. –М.,1966.300.
2. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурулиши: таҳлил методлари ва метадологияси.-Т.,2007. 274.
3. Березин Ф.М. История. Лингвистических учений –М.,1975. 304.
4. Горский Д.П. Обобщение и познание. –М.: Мысл. 1985.208.

5. Степанов Ю.С. Концепт –М., 2006. 28.
6. Соссюр Ф. Курс общей лингвистики, М., 1973. 691.
7. Степанов Ю.С. Семиотика. –М.,1971. 184.
8. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М., 1971.
9. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. –Сангзар 2006. 87.
- 10.Звегиинцев В. А.История языкознания XIX-XX вв, в очерках и извлечениях, ч. II,1965.495.
- 11.Звягенцев В.А. «Внутренняя форма» и лексическое значение. В кн.: Семасиология. –М., 1957. 323.
- 12.Кубрякова Е.С., Демкова В.З., Панкерц Ю.Г., Лузина Л.Г. Краткий словарь когнитивных терминов. –М.: МГУ, 1997. 171.
- 13.Кодухов В.И. Введение в языкознание. – М.: «Просвещение», 1979.
14. Лурия А.Р. Язык и сознания. - М.: МГУ, 1979. 320.
15. Маматов. А.Э.Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (проф. А.Нурмонов таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллари) 212-220-б. Андижон-2012.
- 16.Мазур Ю.Н. Грамматика корейского языка. Морфология, словообразование. –М.2004.310.
- 17.Нематов Ҳ, Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси. –Т., 1995. 30.
- 18.Нурмонов А., Маҳмулов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тили мазмуний синтаксиси.-Т.,1992. 291.
- 19.Потебня А. А. Язык чувства и язык мысли// В кн.: Хрестоматия по русского языкознания. –М.,1973. 504.
20. Раҳимов А.С. Лексик ва семантик деривация муаммолари.-Т.: “Наврўз”. 2011. 166.
- 21.Тихонов А.Н., Пардаев А.С. В. Роль гнезд однокоренных слов. В системной оргонизации русской лексики.-Т., 1989.139.
- 22.Усмонов С. Умумий тилшунослик. –Т., 1978. 208.
- 23.Fayzullayev O.Falsafa va fanlar metodologiyasi. Т., 2006 у.

24. Улуханов И.С. Словообразовательная семантика в русском языке. – М., 1977. 253.
25. Холодович.Х. Грамматика корейского языка. Ч.1.Морфология.- М.,1997. 300.
26. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясашиши тизими.-Т., 2007. 145.